БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 15 февраль Пайшанба
№ 32 (13.468). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

Ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимиз комсомол билан биргаликда «СССРда ёшлар ва давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда комсомол ва ёшлар ҳаракатининг ҳуқуқий асосларини, йигит-қизларнинг бурчлари ва вазифаларини аниқ-равшан акс эттириши аён.

Мамлакатимизда бўлганидек, жумҳуриятимизда ҳам ўз ечимини кутаётган кўпдан-кўп муаммолар мавжуд. Улар кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган, ҳаммасини бир йўла ҳал этиш мушкул. Катта маблағ ва вақт талаб этади. Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури ана шу муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқ-равшан баён қилиб берган.

Улкан муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш — оддий масалаларни оқилона ечишга боғлиқ. Лўнда қилиб айтганда, оддийликдан мураккаб масалаларни ҳал этишга боришни изчил амалга ошириш — муаммоларнинг олтин калити.

Жумҳуриятимиз комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Азиз НОСИРОВ номзоди Чуст ноҳия 272-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган. Номзод бир неча бор Чустда бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашди, уларнинг муаммолари билан яқиндан танишди. Биз ҳам мусоҳибамизни айни шу масаладан бошладик.

А. НОСИРОВ: «ТОШКЕНТДА ЎТИРИБ ИШЛАЙДИГАН ДЕПУТАТ БЎЛМАЙМАН...»



— Азиз Носирович, мана бир неча бор сайловчиларингиз билан учрашдингиз. Уларнинг дардларини тингладингиз. Депутат бўлиб сайлансангиз чустликларнинг қайси муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишингиз мумкин!

— Ноҳиядан номзодим кўрсатилгандан сўнг отахон ва онахонларимиз билан учрашиб, улар олдидан ўтиб сайловолди дастуримни яна бир бор тўлдиришни, унга аниқликлар киритишим лозимлигини сездим. Сўнг ноҳияда яна бир неча бор бўлдим. Сайловчилар билан учрашиб, қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида яна маслаҳатлашиб олдик. Энг асосийси, халқимизни қийнаётган, ўйлантираётган муаммолар устида иш олиб бориш, иложи борича уларни ижобий ҳал қилиш, олий ҳокимият органида халқнинг содиқ вакили бўлиш — муқаддас бурчимдир.

Бир нарсани айтиш керакки, Чуст ноҳияси турғунлик даврида кўп йиллар мобайнида, таъбир жоиз бўлса, «қўшнининг азоби»ни тортган. Ноҳия аҳолисининг моддий ва маиший шароитини яхшилаш учун мўлжалланган маблағлар ҳам Чустни четлаб қўшни ноҳияга оқиб бораверган. Оқибатда чустликлар бугунги кунда жуда оғир шароитда меҳнат қилишмоқда. Шундай бўлса-да, улар жон куйдириб, пахта ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришаяпти. Пахта планларининг бажарилмаслигида уларнинг айби йўқ. Балки нотўғри планлаштириш оқибатида улар шундай аҳволга тушиб қолишган. Уларнинг сув танқислигига, обҳавонинг инжиқлигига қарамасдан оғир шароитда шижоат билан меҳнат қилаётганликларини кўриб, яна бир бор қойил қолдим. Бу ерлик халқ жуда оқибатли, меҳмоннавоз, очиқ кўнгил эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишим керак. Мен уларнинг олдига биринчи боришимдаёқ, ўз фарзандларидек самимий кутиб олишди. Яхши ниятлар билан кузатиб қолишди. Лекин мен ҳам қўл қовуштириб ўтирганим йўқ. Қаерда, қандай муаммо ҳақида гапирилган бўлса, уларни сайловолди наказн деб қабул қилдим. Муаммолар ечимини излашга киришдим. Сайловнинг қандай натижа билан якунланишидан қатъий назар, халқнинг гапини икки қилмасликни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Ленин номли колхозда бўлганимда ёшлар учун бир неча йиллардан бери стадион қурилмай келаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Биргалашиб, маслаҳатлашиб қурилиш учун зарур бўлган маблағни топиб бердик. Қурилиш ташкилотлардан уни тезлаштиришни илтимос қилдик. Агар қурувчиларимиз ишни бошлаб юборишса, уни умумхалқ ҳашарига айлантириб, хашпаш дегунча бу масала ҳам ўз ечимини топади.

Еки яна бир мисол. «Ленинград» колхозида бўлганимда жуда кўп қариялар «Чойхонамиз ҳам йўқ» деб қолишди. Отахонлар билан келишиб, «майли, сизлар жойни топинглар, у ёғига биз хизматда», дедим. Эртасигаёқ хўжаликка ёш лойиҳачилар юборилди. Лойиҳа тайёр бўлиши билан қурилишни бошлаб юборамиз. Чунки маблағ масаласи ҳал бўлган. Ўйлайманки, бу отахонларимиз, ёшларимиз хордиқ чиқарадиган ҳақиқий маскан бўлади. Жуда кўп қишлоқларда газлаштириш масаласи ҳам муаммо бўлиб турган экан. Уларни ҳал қилиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи. Тўғри, бу муаммоларни ҳал қилишга Навоий номли жамоа хўжалиги аҳли ҳам киришган. Анча-мунча ишни ҳам бошлаб қўйишган экан. Энди уни давом эттиришга ва поёнига етказишга биз ёрдам беришимиз лозим. Чунки аҳвол шундай бўлиб қолганки, Наманган вилоятини газлаштиришнинг 1990 йил планига бу хўжалик кирмай қолибди. Нега энди яна кутиб ўтириш керак? Менинг ишончли вакилларимдан бири Каримжон деган ажойиб йигит бор. У киши билан бирга планлаштириш Давлат қўмитасига кирдик. Илтимос қилдик. Масалани жуда кўп ташкилотлар билан муҳокама этдик. 1990 йил планига ўзгартиришлар киритилаётганда бу масалани инобатга олиб кўриб чиқишга ва ижобий ҳал қилишга ваъда беришди.

Юқорида санаб ўтганларим шу кунда олдимизда турган, шошилинч тарзда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар. Ўйлайманки, бўлажак депутатга наказ берганда ана шундай ҳаётий муаммоларни олдинги ўринга чиқариб қўйиш керак. Чунки у халқимизнинг оғирини енгил қила олсин.

— Чуст ноҳиясида ишсизлар ҳам оз эмас. Уларнинг манфаатларини қай тарзда ҳимоя қиласиз? Ишсизликни тугатишнинг қандай аниқ йўлларини таклиф этасиз?

— Бу муаммо фақат Чуст ноҳияси учун хос эмас. Бу жумҳурият миқёсидаги энг катта, долзарб масалалардандир. Фақатгина Фарғона водийсида эмас, балки бошқа вилоятларда ҳам ишсизлик муаммоси ўткир бўлиб турибди. Минглаб ёшларимиз иш билан таъминланмаган. Жумҳуриятимиз партия ташкилотининг Ўзбекистон комсомоли ҳаракат дастурида ҳам бу муаммони ҳал этишнинг йўллари кўрсатиб ўтилган. Коммунист сифатида, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби сифатида бу ишларни амалга ошириш учун бор кучимни, билимимни сарфлашга ҳаракат қиламан. Ёш депутатлар, биринчи навбатда ВЛКСМ аъзоларидан сайланадиган депутатлар ҳам ана шу ҳаракат дастури асосида йигит-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун анча-мунча ишларни амалга оширишларига ишончим комил. Чуст ноҳияси, ўз музофотим миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, бу улкан муаммога айланади. Шуларни назарда тутиб маҳаллий Советларга сайланган ва сайланадиган депутатлар билан, қолаверса, СССР халқ депутатлари билан биргаликда унинг ечимини излашимиз керак. Чуст шаҳрида ва ноҳиясида маҳаллий имкониятлардан келиб чиқиб, шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда янги, жуда зарур бўлган корхоналарни қуриш ёки кенгайтириш чораларини ўйлашимиз лозим.

Мана Навоий номли жамоа хўжалигида, Карнон ва Олмос қишлоқларида жуда кўп аёлларимиз уйда ўтириб қолишган. Ўша ерда жумҳурият Маҳаллий саноат нозирлиги ва Енгил саноат нозирлигига кичик-кичик корхоналари ва шаҳардаги корхоналарнинг филиаллари, цехларини очиш биринчи кечиктириб бўлмайдиган масалалардир.

— Хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш хусусида тўхталдингиз. Болалар боғчалари ва яслиларининг етишмаслиги ҳам бу масалани анча мураккаблаштиради...

— Болалар боғчаси масаласига келганда шуни айтиш керакки, кўпгина хўжаликлар ҳисобида маблағ йўқ. Бунинг сабаби деҳқонларимиз ёмон ишлаётганда эмас, балки оғир шароитда меҳнат қилаётганликларидадир. Шунинг учун ҳам пахта планларини камайтириш, шахсий томорқаларни кенгайтириш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш тарафдориман. Болалар боғчасини фақат хўжаликлар ҳисобидан эмас, давлат маблағи ҳисобига ҳам қуриш йўлларини ахтаришимиз лозим. Агар қишлоқларимизда корхоналар, янги цехлар очиладиган бўлса, болалар боғчаларига, маиший объектлар қурилишига ҳам пул ажратишимиз зарур. Бу масалаларда корхоналар билан шартнома тузиб ишлаган маъқул. Масалан, биз уларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берсак, улар эса бизга қурилиш ишларида ёрдам беришлари мумкин-ку. Агар «Олма пиш, оғзимга туш», — деб «хўжаликлар қачон боғча қуриб берар экан», деб ўтираверсак, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Масалаларни иложи борича турли қирраларидан ёндашиб, ҳал этмоғимиз лозим.

Мана Олмос қишлоғини олиб кўринг. Ҳозирги кунда бу ерда аҳолининг сони 22 мингдан ошиб кетган. Агар бу қишлоқни ноҳияга ёки вилоятга бўйсундирган посёлкага айлантирсак, масалалар яна тезроқ ечимини топган бўлур эди.

— Ҳозир жуда яхши ишга қўл урилди. Колхозчиларга шахсий уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилаяпти. Лекин муаммонинг иккинчи томони ҳам пайдо бўлмоқда: қурилиш материаллари танқис, банкдан ссуда олгунингча она сутинг оғзингга келади... Сизнингча, бу жумбоқни ечиш йўллари борми?

— Шундай қилайликки, томорқалар учун ҳам зарур нарсалар ажратиб берилсин: ғишт, ёғоч ва қурилиш материаллари билан таъминлашда ёрдам қўлини чўзиш керак. Бу масалага жумҳурият, вилоят ва ноҳия миқёсида ҳам жиддий ёндашиб, уни ижобий ҳал этмоқ лозим. Демак, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондиришимиз даркор. Хўжаликлар миқёсида ҳам ҳал этиладиган ишлар оз эмас. Каркидонда ажойиб тепалик бор экан. Тупроғи тоза, ундан бемалол ғишт ишлаб чиқарса бўлади-ку — ота-боболаримизнинг яхши одати бўлган. Оилада чақалоқ туғилса, уйнинг олдига 15—20 донадан терак экишган. Яхши ният қилишган. Шу фарзандим вояга етса, иморат соламан, деб. Ўзимизнинг ана шундай ажойиб анъаналаримизни эсдан чиқариб юбораяпмиз. Иложи бўлса ариқ бўйларидан, баланд-паст қам жойлардан фойдаланиб тераклар ўстиришимиз лозим.

Шартномалар асосида якка тартибда уй-жой қураётган кишилар учун ёғоч-тахта етказиб бериш чора-тадбирларини излашимиз керак. Мана ўзбекистонликлар ленинградликлар билан шартнома тузишган. Ана шунга мувофиқ хўжаликлар ҳам ўз улушларини олишлари лозим. Биз ана шунга эришиш учун ҳаракат қиламиз. Янги ажратиб берилган ер участкаларига сув келтириш, йўл қуриш масалалари ҳам бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири. Сиртдан қараганда майда-чуйда бўлиб кўринса-да, ана шу долзарб масалалар депутат назаридан четда қолмаслиги зарур. Чунки жойдаги муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, жумҳуриятимизнинг катта муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас. Буларнинг барчаси сайловолди дастуримда инобатга олинган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

Шу кунларда Ўзбекистондан мамлакатнинг йирик шаҳарларига, шу жумладан, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга жўнаб кетадиган ёш олимлар фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, жумҳуриятга янги мактаблар ва йўналишлар яратиш, илмий иш олиб боришнинг энг янги усулларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Уларнинг ҳаммаси докторантураларга йўлланмалар олишди. У ерда улар мамлакатнинг етакчи олимлари раҳбарлигида ўз тадқиқотчилик маҳоратларини оширадилар, жаҳон тафаккурининг энг сўнгги ютуқлари билан танишадилар. Мазкур группада Нукус, Бухоро, Самарқанд, Термиз ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарлари вакиллари бор.

13 февраль куни ёш олимлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига таклиф этилдилар ва Марказий Комитетнинг биринчи секретари И. А. Каримов билан учрашдилар. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида жумҳурият ўз вакилларидан нималарни кутаётгани, уларга қандай умид боғлаётганликлари тўғрисида ошкора суҳбат бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ёш олимларни асосий мақсаддан — ҳозирги дунёда ниҳоятда зарур бўлган янги-янги билимларга эга бўлиш имкониятидан ҳеч нарса чалғитмаслиги учун бутун бўш йиллари мобайнида улар тўғрисида тўла ғамхўрлик қилишга қарор берди. Ёш олимлар эгаллаган барча билимларни, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги йўлида сарфлашларига умид билдирилди.

Учрашувда сўзга чиққан кишилар кейинги йигирма йил мобайнида илк марротаба жумҳурият ҳукумати қабул қилган бу қарорни юксак баҳоладилар. Улар ўз тадқиқотлари ва илмий ишларини асосан Ўзбекистон материалида олиб боражакларини таъкидладилар, шунинг учун ҳам уларнинг меҳнати яқин вақт ичидаёқ жумҳуриятнинг илмий имкониятларида самарали таъсир эта бошлашига умид қилишга барча асослар бор.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Миркосимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

Орбитал вахта алмашди

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

Ер атрофи орбитаси бўйлаб бир-бирига яқин турган икки «нуқта»ни Оловли ердан қуйи Волга бўйигача денгиз ва ер усти станциялари кузатиб борди. Волга ортида эса «нуқталар» бирлашиб кетди. Москва вақти билан соат 9 дан 38 минут ўтганда «Союз ТМ—9» космик кемаси «Мир» комплекси билан муваффақиятли туташди. Бешинчи асосий экспедиция аъзолари А. Викторенко билан А. Серебров ўз парвозларининг 161-кунида ўринбосарлари — А. Соловьев ва А. Баландинни кутиб олдилар.

Келгуси ҳафтада «Витяз»лар орбитал комплексни «Чашма»ларга топширадилар. Космонавтларнинг шу кунлардаги иш графиги, айниқса, тиғиз бўлади. Чунки «Мир» станциясига А. Соловьев билан А. Баландин жуда қисқа муддат ичида иш маромига кўникиши лозим бўлган модулларнинг ўзидан иккитаси туташтирилди.

...«Чашма»ларнинг «Мир» сари парвози икки кун давом этди. Экипаж аниқ ишлади, учишни бошқариш маркази билан ҳамкорлик қилди.

Ўтиш туйнуги очилишини кутяпмиз. Мана, янги ўринбосарлар станцияга киришди. Станцияга ўтилганидан сўнг иккала экипаж кема ичидаги телекамералар рўпарасида учишни бошқариш марказининг навбатчи сменаси учун бироз «матбуот конференцияси» ўтказдилар.

— «Витяз»лар, қўшниларингизнинг аҳволи қандай? — деб сўрайди парвоз бошлиғи В. Соловьев. — Старт олдидан Саша Баландин ўғил кўрди, исмини Алексей деб қўйишди...

— Бугун у энг бахтиёр космонавт, — деб жавоб берди А. Серебров. — Жиддий бўлишга уриняпти. Лекин бунинг уддасидан чиқолмай, нуқул жилмаяди.

— «Чашма»лар, сиз қойилмақом ишладингиз, — деб давом эттирди учишни бошқариш маркази. — Сизга эътирозларимиз йўқ. «Витяз»ларни кузатинг, кемани қайта туташтиришга ва «Прогресс М—3»ни қабул қилишга тайёрланинг. «Витяз»ларга эса ерга юмшоқ қўнишларини тилаймиз!

А. Викторенко билан А. Серебровнинг ерга қайтиши 19 февралга мўлжалланган. Улар бажарган ишларидан фахрлансалар арзийди. «Мир» станциясидаги бешинчи экспедициянинг айрим якунлари ана шундан далолат беради: 43 та илмий-техникавий ва 120 та медицина экспериментини ҳамда тадқиқоти ўтказилди. Космонавтлар беш маротаба очиқ космосга чиқдилар, космик «Катер» — космонавтларнинг автоном ҳаракат қилиши воситасини синаб, станциянинг устки қисмига мазкур восита келиб тўхтайдиган қурилмани монтаж қилдилар, шунингдек, қўшимча илмий аппаратларни ўрнатдилар. «Квант—2» модули туташтирилди ва ана шундай оғир аппарат ён томондаги туташтириш узелига биринчи маротаба қайта туташтирилди. Янги модификациядаги «Прогресс М» икки юк кемаси ҳам юклардан бўшатилди ва синаб кўрилди.

А. ФИЛИППОВ,
ТАСС махсус мухбири.

МУҲИМИ — МУСТАҚИЛЛИК



Тойиба Тўлаганова фалсафа фанлари номзоди, Тошкент политехника институтининг катта ўқитувчиси. Унга шаҳардаги Ойбек номли маҳалла аҳли ишонч билдириб, 5-Назарбек сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Учтепа, Ёзиқум, Худойбердиев номли маҳаллалар, Тойиба ўқиган 123-мактаб жамоаси ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлашди: «кўз ўнгимизда ўсиб-унган, ақлли, чаққон, билими ҳам яхши, юқори ташкилотларда талашиб-тортиша олади».

— Депутат энг муҳими мустақил фикрга эга бўлсин. Сиёсатни яхши тушунсин, деб ҳисоблайди Т. Тўлаганова. — Бусиз ўз соҳасини ҳар қанча яхши биладиган мутахассис бўлмасин, қийналиб қолади, катта имкониятларни бой беради.

Тойибанинг олдида қийин кураш турибди — унинг номзоди кўрсатилган 5 — Назарбек сайлов округидан яна икки киши: жумҳурият ветеранлар кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Расул Ғуломов ва 7-касалхона бош шифокори Мирғиёс Маҳмудовнинг ҳам номзодлари кўрсатилган.

Агар сайланиб қолгундек бўлса, у парламентдаги бошқа ҳамфикрлари билан биринчи галдаги энг зарур вазифаларни ечишни, кейинги депутатлар учун оз бўлсада йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйган.

Қўшимча қилиб айтсак, Тойиба уч фарзанднинг онаси, талабаларнинг дўсти ва ёрдамчиси. Биз унга муваффақият тилаб қоламиз, ахир номзодлар ичида аёллар жуда-жуда кам. Бироқ оналик ва болалик муаммоларини, қариялар ва ногиронларнинг қийинчиликларини ким ҳам аёлларчалик ҳис қила оларди?!

Санъат МАҲМУДОВА.
СУРАТДА: Тойиба Тўлаганова.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Тўраев номзоди Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 349-Темирйўл мавзесидан кўрсатилган. Номзод ўзининг ҳаракат дастурида вилоятда халқ таълими системасини, экологик муҳитни яхшилашга кўмаклашишни мақсад қилиб қўйган.

Унинг институтда ректорлик лавозимида фаолият бошлагандан буён ўтган даврда бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Янги ўқув корпуслари ва талабалар учун ётоқхоналар қурилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

СУРАТДА: Н. Тўраев (ўртада) ўз сайловчилари билан.
И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

Мансаб имтиёзлари бўлмасин

Бундан буён давлат боғ ҳовлилари қароргоҳ сифатида фақат СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети Раисларигагина берилади. Ҳокимият олий табақасидаги бошқа барча раҳбарлар тегишли идоралар ва ташкилотлар посёлкаларидаги боғ ҳовлилардан фойдаланадилар. Боғ ҳовли иморатлари пансионатлар каби ишлайди. Илгари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети ишлар мудирликларига, бошқа идораларга қарашли бўлган 24 та давлат боғ ҳовлиси соғлиқни сақлаш органларига берилади.

СССР Олий Советининг гражданлар айрим тоифаларига берилган имтиёзларни кўриб чиқиш комиссиясининг 13 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ана шу фактлар тилга олинди. Парламентнинг бир қанча комитетлари ва комиссиялари намояндалари, министрликлар ва идораларнинг вакиллари иштирок этган бу мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков бошқариб борди.

Халқ депутатлари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармасини тугатиш ҳукумат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А.П. Бирюкованинг ахборотини тингладилар. Нотиқ ана шу бош бошқарманинг ташкил этилиши тарихига қисқача тўхталиб, мазкур бошқарма • ўтган йилнинг октябрь ойида тугатилганидан кейин нима ишлар қилингани ҳақида мажлис аҳлига сўзлаб берди.

А. П. Бирюкова СССР Олий Советининг бир қанча комитетлари тавсия қилганидек, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди ва Ленинград шаҳар ижроия комитети ихтиёрига 12 та яхши жиҳозланган шинам санаторий ва дам олиш уйи берилганлиги ҳақида ҳам гапирди. Чернобиль АЭСидаги авария оқибатида жабр кўрган икки мингдан ортиқ бола ана шу муассасаларнинг бир қанчасида даволанишди. Хуллас, собиқ тўртинчи бошқармага қарашли 15 та медицина ва санаторий-курорт муассасаси топширилди, бу ана шу бошқарма ихтиёрида бўлган муассасаларнинг тахминан ярмига баравардир. Бундан ташқари Ливадия, Гагра ва Палангадаги ҳамда Москва областидаги яна 15 та давлат боғ ҳовлиси бу системадан чиқарилди.

Хўш, илгари 4-бошқарма системасида даволанган кишиларга бундан буён тиббий ёрдам қай тахлитда кўрсатилади, деб сўрашлари мумкин. Бунинг учун СССР Министрлар Совети ҳузурида даволаш-соғломлаштириш бирлашмаси тузилди. Мазкур бирлашма тахминан 35 минг кишига хизмат қилади, бу илгаригига нисбатан икки баравар камдир.

Айтмоқчи, СССР Министрлар Совети бирлашмага соғлиқни сақлаш органларининг йўлланмаси билан беморларни махсус даволаш учун қабул қилиш практикасини кенгайтириш, ишчилар, колхозчилар ва бошқа гражданларга санаторий ва дам олиш уйларига келиш учун кўпроқ йўлланмалар ажратиш вазифасини топширди.

Мажлисда гражданлар айрим тоифаларининг имтиёзлари ва енгилликларини тугатишга қаратилган ҳукуматнинг бошқа чоралари ҳам тилга олинди. Чунончи, министрлик ва идораларнинг раҳбарларига бундан буён хизмат автотранспорти белгилаб қўйилган вақт лимитига кўра, конвейер системаси асосида берилади. Пойтахтда махсус корхонадан партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга озиқ-овқат молларини бериш тўхтатилди. Бу корхона маҳсулоти болалар муассасалари ва матлубот кооперациясининг савдо шохобчасига юборилади.

Е. М. Примаков мажлисни якунлар экан, қуйидагиларни таъкидлади: имтиёзларни кўриб чиқиш комиссияси бундан буён мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг тавсиялари қандай амалга оширилаётганини назорат қилишга кўпроқ эътибор бериш керак. Масаланинг моҳияти шундаки, имтиёзларнинг бутун системасини қаттиқ тартибга солиш керак. Бу борадаги барча гап ошкора айтилиши керак. Е. М. Примаков шу муносабат билан Сахалин область партия комитетидан келган телеграммани ўқиб берди. Сўнгги вақтда, дейилади телеграммада, кўпчилик мақолаларда, радиоэшиттиришлар ва телевидение кўрсатувларида айрим шаҳар, район партия комитетлари, область ва марказдаги партия ташкилотлари идора берган боғ ҳовлилари, касалхоналар, овчиларнинг уйлари, буфетлар ва турғунлик даврининг бошқа имтиёзларидан фойдаланишаётгани ҳақида хабар қилинмоқда. Сахалинда бу нарсалар йўқ, дейилади телеграммада. Шунинг учун ҳам биз махсус неъматлардан ҳали ҳам фойдаланаётган коммунистлар ва гражданлар, барча партия раҳбарларига мурожаат қилишга очиқ-ойдин ҳақ-ҳуқуқимиз бор, деб ўйлаймиз. Партияни ҳамда ҳеч қачон ва ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмаган аксарият коммунистларни бадном қилишни тўхтатинг. Ана шу махсус иншоотларни, буларга жуда махтал бўлиб турган кишиларга дарҳол топширинг, журналистларни ана шу мавзудан холи қилинг, уларга муваффақиятсизликларимизнинг асл сабабларини, сиёсий ва иқтисодий танглиқдан чиқиш йўлларини теранроқ аниқлаш учун вақт ва имконият беринг. Ленин байроғи остида қайта қуришни бошлаган партия қайта қуришни махсус боғ ҳовлилари ва махсус бериладиган озиқ-овқатларсиз якунлаши керак, дейишган телеграмма муаллифлари.

Имтиёзларни тугатиш жараёни қандай бораётгани, шу мақсадда қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганини таҳлил этиш ва текшириш учун СССР Олий Совети комитетлари ва комиссиялари билан биргаликда ишчи группаси тузиш керак — мажлис аҳли якдиллик билан шу фикрга келди.

М. НОВИКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

«ТОШКЕНТДА ЎТИРИБ ИШЛАЙДИГАН ДЕПУТАТ БЎЛМАЙМАН...»

(Боши 1-бетда).

— Азиз Носирович, мактабларда бўлдингиз, муаллимлар ва ўқувчилар билан учрашдингиз...

— Бир нарсага эътибор бердим. Жуда кўп мактабларимиз икки сменада ишлайди. Бинолари ночор ҳолатда. Бу камчиликларни тугатиш анча маблағ талаб қилади, албатта. Лекин уларни топиш йўлларини излашимиз керак. Зарур бўлса елиб-югуришимиз ҳам лозим. Долзарб ишларни Давлат планига киритиб олсақ, ишимиз шунча олдинга қараб силжиши турган гап.

Бунинг учун хўжалик ҳисобининг кенг имкониятларини ишга солмоқ даркор. Биламан, қурилишлар, шу жумладан, мактаблар учун янги бинолар қуриш кўп вақт талаб этади. Лекин шундай оддий масалалар ҳам борки, уларни ўша жойнинг ўзида ечимини топиш мумкин. Бунинг учун эса бир туртки керак, холос. Мана ноҳиядаги 17-ўрта мактабда бўлдик. У ерда кимё дарсини ўтиш учун оддий реактивлар етишмас экан. Бизнинг келажагимиз бўлган ўқувчиларга яхши билим олишлари учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шу боис қандай кимёвий моддалар керак бўлса, уларнинг рўйхатини олиб, Тошкентдаги лабораториялардан тез кунда ахтариб топдик ва ҳаммасини бутлаб ҳафта ичида ўқувчиларга юбордик. Бундай муаммо фақатгина шу мактабга хос эмас. Мен борган жойларда қандай камчиликлар ва етишмовчиликлар мавжуд бўлса, иложи борича ёрдам беришга ҳаракат қилдим, ҳаракат қилаveраман.

Бир мактабга борганимизда кутубхонасида китоблар етишмас экан. Иккинчи бир мактабда эса 6 ёшлилар учун дарс ўтишга шароит йўқ, деярлик ҳамма мактабларда дарсликлар етишмайди, бирор бир мактабда ҳам компьютер йўқ экан. Бу муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир. Чуст ноҳияси яна бир бор қайтараман, кўп йиллар эътибордан четда қолиб келган. Бу таълим-тарбияда ҳам ўз асоратини кўрсатмоқда.

— Назаримизда чўстликлар жумҳурият комсомоли нима ишлар қилаётганидан, кўплаб хайрли ҳаракатларидан бехабар бўлишса керак!

— Учрашгунимизгача шундай экан. Чиндан ҳам жойларда кишилар комсомол амалга ошираётган кўплаб ишлардан бехабар. Мен чустликларга бу ҳақда гапириб бердим. Комсомол қўмиталарининг ташаббуси билан ёшлар турар-жой комплекслари қурилмоқда. Натижада кўплаб ёш оилалар уй-жойли бўлишмоқда. Хўжалик ҳисоби шароитида ёшларнинг турли-туман илмий-техник ижодкорлиги марказлари ташкил этилди. Бу нафақат комсомол бюджетини кўтариш, балки халқнинг кундалик эҳтиёж моллари ва бошқа талабларини қондиришга реал хизмат қилмоқда.

Чустликлар Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси байналмилал-жангчи бурчини бажариб ногирон бўлиб қайтганларнинг нафақасини ошириш, ҳалок бўлганларнинг оиласига қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш учун бюджетимиздан миллион сўм пул ажратишимизни эшитиб жуда хурсанд бўлишди. «Ёш гвардия» нашриётида чиқарилаётган китобларимизнинг мазмуни ва сифати ҳақида, уларни кўпайтириш ҳақида гапиришди. «Ёш ленинчи» газетаси ҳақида илиқ сўзларни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Мен уларга жумҳурият комсомол ташкилотининг «Ёшлар сиёсати»ни амалга ошириш борасида қилаётган ишлари, ВЛКСМ XXI съездига тайёргарлик ҳақида ўз фикрларимни айтиб, уларнинг маслаҳатини олдим.

— Учрашувларда ҳозир Совет Армиясида хизмат қилаётган ўзбек йигитлари ҳақида кўплаб саволлар тушибди...

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз ҳам бу масалалардан ташвишдамиз. Шунинг учун минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деб ҳозир бир қатор ҳарбий қисмларга комсомол ходимларимиз, санъаткорларимиз, газета ва журналларимиз ходимлари бориб, ўзбек йигитларининг қандай хизмат қилаётганини, уларни ўйлантираётган муаммолар билан танишиб келдилар, бу муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам берилмоқда.

Мен Наманганда бўлганимда бир гуруҳ комсомол ходимлари Киев ҳарбий округи қисмларидаги йигитларимизнинг олдида бўлиб, совға-саломлар бериб келишди. Биз бу тажрибани бундан кейин кенг ёймоқчимиз. Ҳамюртларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмларни ўз оталиғимизга оламиз.

— Сайловчиларингиз яна нималар ҳақида сўрашди?

— Учрашувларнинг бирида «биз марказдан хийла олисдамиз, шунданми санъаткорлар кўпинча биз томонларга қадам ранжида қилишмайди» деб қолишди. Яқинда жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан биринчи марта қизиқчилар конкурсини ўтказдик. Бу конкурс ғолибларидан кейин «Камолот-89» конкурсини ташкил қилдик. Биласизми, бу байрамлар неча ажойиб сўз усталари, умидли ҳофизларга катта санъатга йўл очиб берди. Ана шу конкурсларнинг лауреатлари водийда сафарда бўлганларида чустликлар уларнинг санъатларини намойиш қилишди. Қаерда халқ билан учрашилган бўлса, ҳамма дил-дилдан хурсанд бўлди.

Умуман ёш истеъдодларни комсомол орқали мунтазам қишлоқларга, айниқса узоқ қишлоқларга учрашувларга чиқариб туриш фойдадан холи эмас.

— Азиз Носирович, тасаввур қилинг. Мана ҳозиргина Сиз депутат этиб сайландингиз. Ўша дақиқада биринчи қилган ишингиз нимадан иборат бўларди?

— Иложи бўлса, ҳар бир хонадонга кириб, ўз миннатдорчилигимни изҳор этардим. Қолаверса, менга берилган наказларни бажаришга ўша куниёқ киришардим. Ҳа, мен пойтахтда, Тошкентда ўтириб ишлайдиган депутат бўлишни хоҳламайман. Депутат — халқ хизматкори. Мен халқнинг хизматкориман. Сайловчилардан бири ҳақли эътироз билдирди: «Марказдан сайланган депутат қушдек учиб келиб, қушдек учиб кетади», — деди. Унақа депутатлик даври ўтиб кетган. Ҳеч бўлмаса икки-уч ойда бир келиб, наказлар бажарилиши ҳақида ҳисоб бериб турмоқчиман. Мана бу сафар учрашувлардан ортиб ёшларимиз билан бирга тўйларда қатнашдим. Доимо тўйлар бўлсин. Яхши-ю ёмон (ёмони бўлмагани маъқул) кунларда бирга бўлайлик, ёшу-қари билан маслаҳатлашиб ишлайлик. Ўз режаларимни уларнинг тафаккур чиғириғидан ўтказиб тураман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, Азиз Носирович!

— Сизга ҳам катта раҳмат!

Мусоҳибани Ш. ИСРОИЛОВ ва А. АҲМЕДОВлар олиб бордилар.

Омад ёр бўлсин!



Тошкент Давлат дорилфунунининг партия қўмитаси котиби муовини, амалий математика факультети катта ўқитувчиси Марат Зоҳидов ҳақида ўтган йили «Известия», «Правда», «Литературная газета» ва бошқа марказий нашрларда илиқ мақолалар эълон қилинганини муштарийлар яхши билишади. Сергайрат, адолатпарвар, принципиал коммунист номзоди СССР халқ депутатлигига кўрсатилгач, жумҳуриятимиз газеталарида «Кўпчилик унга ишоняпти», «Астойдил ишлаш керак», «Тил ва дил бирлиги учун» каби бир қанча мақола, суҳбатлар чиқди, телекўрсатув, радиоэшиттирувлар бўлди.

Бир суҳбатида у: «Ёш авлод ўқиши, яшаши ҳақида доимий ғамхўрлик, депутат бўлсам, бўлмасам, муттасил шуғулланишим лозим бўлган ишлардан. Талабалар шаҳарчаси истиқболи борасида катта ҳаракатнома тузилган, унинг бажарилишига ҳисса қўшиш, назорат қилиб туриш — вазифам», — дегани эсимда.

«Депутат бўлсам, бўлмасам...» «Бу гапда Марат Зоҳидовнинг ҳаётий нуқтаи назари, эътиқоди, мақсад-интилишлари ўз ифодасини топган. Депутатлик фаолият учун кенг майдон, катта имконият, ҳуқуқий асос яратиб беради. Биласиз, у СССР халқ депутати бўлолмади, иккинчи турда мутлақ кўп овоз ололмади. Лекин, руҳан тушмади, ҳафсаласи пир бўлмади, жамоат ишларини аввалгидай завқ-иштиёқ билан бажаришда давом этди, ҳақ-адолат учун кураш, талабалар шаҳарчаси, маҳалла кўйларини обод қилиш борасидаги ишларга бош бўлди. «Чиғатой», «Шарқ юлдузи», «Маданият» ва бошқа маҳаллаларда бўлди, ноҳия раҳбарларини бошлаб борди, газ, асфальт, телефон, озодалик, ободонлик ва бошқа муаммолар ҳақида биргалашиб бош қотиришди.

Марат Зоҳидов — талабаларнинг севимли устози, ғамхўри, айтиш мумкинки, қалқони.

Булар — шунчаки айтилган гаплар эмас. Бир мисол. ТошДУ журналистика факультетининг уч талабаси нотўғри ўқишдан ҳайдалганини исботлади, елиб-югуриб, буйруқни бекор қилишга эришди.

Ф. ҚУРБОНОВ, Е. ТОЙМЕТОВ, 3-курс талабалари:

— Марат Зоҳидов — ҳалол тўғрисўз, адолатпарвар, жонсарак одам, талаба ҳақ-ҳуқуқи учун изчил курашчи, бошига ташвиш тушган, адолат излаганларга қалб дарвозаси очиқ. Биз учун қанча куйди-пишди бўлди, кўп одамлар билан баҳслашди, тортишди.

«Емаган сомсага пул тўлаганларданман, — деб эслайди З. Хидиров. — Ўтган йили 19 октябрь кечки пайт ўртоғим билан Ўрдада автобусдан тушиб, «Искра» кинотеатри орқали ЦУМга бориб нимадир харид қилмоқчи бўлдик. Нарироқда бир қанча милиционерлар тўпланиб туришган экан. Бир майор бизни чақирди. Ҳе йўқ, бе йўқ, дағдаға қила кетди: «Ҳа, митингга боряпсизларми, ўзбек тили керакми сизларга, мабодо француз тили керакмасми?»

Ўртоғимни милицияга қаршилик кўрсатди, деб айблашди, мендан жарима тўлашни талаб қилишди. Армияда бўлганман, қурилиш отрядларида хизмат қилиб, иш ҳақимни ўз ихтиёрим билан офатдан жафо кўрган Гуржистон фондига юборганман, бундай ноҳақлик алам қилди. Яхшиямки, тўғри фикрлайдиган одамлар бор экан. Айниқса, М. Зоҳидовнинг далдаси, хизмати катта бўлди».

Талабаларнинг бундай холис фикрларига бирор қўшимча қилиш қийин, фақат айтиш керакки, Марат Зоҳидов 38-университет сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди. Биз унга омад тилаб қоламиз.

Сайди УМИРОВ, ТошДУ доценти.

* * *

М. ЗОҲИДОВ (ўртада) сайловчилар билан.

ФИДОЙИ БЎЛИШ КЕРАК



— Вилор Раҳматуллаевич, айтингчи, 90-йиллар халқ депутати қандай бўлиши керак?

— Халқ депутати энг аввало давлат миқёсида кенг кўламли мушоҳада юритувчи, чуқур билимга эга бўлган, сиёсат ва иқтисодиётни яхши тушунадиган, ибратли ҳамда, албатта, бировнинг дардини, халқ ғам-ташвишини ўзиникидек қабул қила оладиган фидойи бўлмоғи керак.

Номзоди 168-Фурқат сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига рўйхатга олинган Амонулло (Вилор) Раҳматуллаевич Ниёзматов билан суҳбатимиз ана шундай бошланди. Унинг номзодини «Бухоро ҳақиқати», «Советская Бухара» рўзномалари ва вилоят радио қўмитаси қаламкашлари тавсия қилишган. Бежиз эмас, албатта. 1973 йилдан бери КПСС Марказий Қўмитасининг «Советская культура» рўзномаси мухбири, кейин Ўзбекистон ва Тожикистон ССР бўйича, 1986 йилдан эса шу рўзноманинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири бўлиб ишлаётган Вилор Ниёзматов ўзининг ўткир ва муросасиз қалами билан Ўзбекистонда маънавий ва сиёсий муҳитни ўнглашга хизмат қилган қаламкашлардан биридир.

— Сайловолди ҳаракатномангизда байналмилал жангчиларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида урғу берган экансиз...

— Бунинг боиси шуки, мен ҳам «Советская культура» рўзномасининг Афғонистондаги махсус мухбири сифатида шўро аскарларининг кўпдан-кўп беомон жангларини ўз кўзим билан кўрганман, она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун эмас, «байналмилал бурчи»ни ўташ учун қон кечиб жон фидо қилган йигитларимизнинг жасоратини кўрганман, бир умрга ногирон бўлиб қолган алпқоматларнинг оғир қисматларига ҳар қадамда дуч келаман. Шу боис уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, авваламбор, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўнгли яримта бўлиб қолган собиқ жангчиларимизнинг дардига малҳам бўлиш ҳар бир соф виждонли кишининг инсоний бурчи деб ҳисоблайман.

— Кейинги йилларда миллий муносабатларнинг кескинлашганлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Миллий масалани ҳал этишда бир қатор номувофиқликлар мавжуд. Миллатлараро муносабатда ўйламай-нетмай туриб айтиладиган айрим фикр ва мулоҳазалар учраб турадики, бу ҳол жумҳуриятимиздагина эмас, балки бутун мамлакатда қайта қуришга қарши кучларнинг миллатлар ўртасида нифоқ, келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятларда чуқур таҳлилга асосланган ҳолда бир-бирини тушуниш ҳамда қадрлашни кучайтириш йўли билан барча жумҳуриятлар ҳамда бутун мамлакатимиз халқларини бирлаштиришга даъват этиш халқ депутатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

— Вилор Раҳматуллаевич, сиз 1970-1973 йилларда «Комсомолец Узбекистана» ва «Ёш ленинчи» рўзномаларида ишлаган экансиз. Агарда депутат бўлсангиз ёш авлоднинг турмушини яхшилаш учун нима қилган бўлардингиз?

— Ўсиб келаётган авлод, ўқувчилар ташвиши депутатнинг асосий ташвиши бўлмоғи лозим. Зеро, улар жумҳуриятимиз келажаги, ҳаётимиз давомчилари. Агар мен депутат бўлсам, 17- ва 19-мактаблар ҳудудида чўмилиш ҳавзаси билан бирга спорт-соғломлаштириш комплекси қуриш масаласини қўяман, 168-сайлов округи ҳудудида талабалар шаҳарчаси жойлашганини назарда тутиб, педагогика ҳамда технология институтларида таҳсил олаётган тўрт мингга яқин йигит-қизни қизиқтираётган масалаларни доимо диққат марказида тутаман. Ёш мутахассислар, педагогика ва технология институти битирувчилари уй-жой ҳамда рўзғор учун зарур буюмларга эга бўлиши учун йиллаб навбат кутмасликлари мақсадида уларга узоқ муддатли қарз берилиши учун курашаман.

Пировардида яна шуни қўшимча қилмоқчимиз: Вилор Раҳматуллаевич Ниёзматов ижтимоий ҳаётда фаол қатнашади. 1989 йил декабрь ойидан ички ишлар органларининг ҳалок бўлган ходимлари оилаларига ёрдам бериш Бутуниттифоқ фондининг раиси. У СССР Кинематографчилар Уюшмасининг аъзосидир. Номзоднинг сценарийлари асосида 30 га яқин кинофильмлар яратилган. В. Ниёзматовнинг қаламкашлик фаолиятига юқори баҳо берилган — у СССР Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреатидир. Ҳалол меҳнатлари эвазига «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳамда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

З. РАҲИМОВА.



Калинин ноҳиясида жойлашган «Қорасув» наслдор паррандачилик бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Давлатдан катта миқдорда қарздор ҳисобланган бирлашма кейинги 3-4 йил ичида энг илғорлардан бирига айланди. Бунда ёшларнинг жонкуяр мураббийси, бирлашма бош директори Ислом Худойқуловнинг хизматлари катта. Шу боис меҳнат коллективи уни 99-Калинин сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

СУРАТДА: И. Худойқулов (ўртада) корхона ёшлари билан.

Суратчи: Е. БОТИРОВ.

МАҚСАДИМ—ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Акбарали Мамажонов Марғилон пиллакашлик фабрикасининг биринчи цехида меҳнат фаолиятини бошлаганига йигирма йил бўлаяпти. У аввал ишни уста ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. Ўзининг интизомлилиги, меҳнатсеварлиги, янгиликка интилувчанлиги билан ҳамкасбларидан ажралиб туради. Шу боис бригада аъзоларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

У бошчилик қилаётган жамоа ойлик план-топшириқларини 8-10 фоиздан ошириб адо этмоқда. Маҳсулот сифати ҳам ёмон эмас. Тежамкорликка эътибор қаратилган. Шундан ҳам сайловолди йиғилишида Акбарали бир овоздан Фарғона вилояти Совети депутатлигига «Октябрь 40 йиллиги» 55-сайлов округидан номзоди кўрсатилди.

— Мен мабодо вилоят Совети депутати бўлиб сайлангудек бўлсам, бор куч-ғайратимни округда ечимини кутиб ётган муаммоларни ҳал қилишга қаратаман. Жумладан, электр қуввати етишмаяпти, янги подстанция ўрнатиш ҳал бўлмай келмоқда. Ана шуни ҳал қилишга киришардим. Ёки водопровод муаммоси кўпчиликни қийнамоқда. Уни нормал сув билан таъминлашни кечиктириб бўлмайди. 23-мактаб ўғил-қизларимизнинг замонавий таълим-тарбия олиши учун мосланмаган. Уни ремонт қилиш ва жиҳозлаш зарур.

Мана бир неча йилдирки, Қирғули посёлкасидаги заводларнинг заҳарли тутунлари бу округ экологиясини бузиб келмоқда. Бу ерда 360 та оила истиқомат қилади. Аҳоли талабига асосан бу ерда алоҳида маҳалла қўмитасини ташкил этиш керак. Мен ана шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ҳал этишга биринчи навбатда киришган бўлар эдим. Тўғри, ваъда бериш осон. Лекин мақсадим сайловчилар ишончини оқлашдир, — дейди у.

А. ҚУТБИДДИНОВ.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

БИЗНИНГ КЕМА

МЕН театр кишисиман. Театр кишиси бутун жумҳуриятни, халқни, даврни кўздан синчиклаб ўтказиб турадиган ижодкордир. Агар шундай бўлмаса давр кўзгуси бўлган саҳна талқинлари хом ва бетаъсир бўлиб қолаверади. Шундан ўзимни ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига дахлдор деб биламан. Шунинг учун мазкур мақоламда театрдан ташқари бугунги ҳаётимизнинг айрим жабҳалари хусусида фикр айтишимдан ажабланмайсиз, деб ўйлайман.

ҚАЙТА ҚУРИШ мудроқ кўзимизни очди. Руҳимизни эзиб ўтган шахсга сиғиниш ва турғунлик тоши ўрнидан кўчди, лекин уни буткул ирғитиб ташлаш осон гап эмас. Уни фақат бирлик ва жипслик кучи ирғитиб ташлаши мумкин. Акс ҳолда баттар ўрнашиб қолаверади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» мухбирлари саволларига жавобан: «Ҳар бир киши шуни аниқ равшан тушуниб олиши керакки, биз барчамиз ўтирган қайиқни лопиллатиб чайқатиш эмас, балки уни тўғри ва қатъий йўлдан манзилга элтишимиз лозим. Фақат қаттиқ интизом масъулиятигина аҳволни тузатишига имоним комилдир», деб айтди. Бу тўғри гап. Келинг, биргаликда эшкакларни эшиб қайиқни илдамлатайлик. Лекин баъзан тушуниб-тушунмай тош отаётганлар ҳам борки, бу бизнинг бошимизни ёриб, қайиғимизни йўлдан адаштириши ва ғарқ этиши мумкин. Бунга, албатта, лоқайд ва беэътибор қараб бўлмайди. Москвалик бир машҳур касбдошим «бечора Ўзбекистон» деган иборани ишлатди. Бу сўз мени эзиб ташлади. Мен беихтиёр «Йўқ биз шўрлик ҳам, бечора ҳам эмасмиз. Биз ўз номимиз билан ўзбекмиз» деб мағрур турдим. Бундай пайтда тадбиркорлик, босиқлик билан, ҳалол меҳнат билан матонатли халқ эканлигимизни кўрсатмоқ лозим деб ўйлайман.

Бизнинг қайиғимизни лопиллатаётганлардан бири ўта лоқайдлигимиз. Нимасини айтасиз, депутатликка номзодлар кўрсатишда ҳали ҳам юқоридан номлар берилиб, лоқайд сайловчилардан «тасдиқлатиб» олишяпти. Яширин овоз беришларда ҳам ҳамон хатоликларга йўл қўйилмоқда, ҳали ҳам лаганбардор кўзни шамғалат қилиб бошлиқнинг этагини ўпмоқда. Партиямизнинг дастурул амалида «Кучли жумҳуриятлар бўлмаса, кучли иттифоқ бўлмайди» деб бекорга айтилгани йўқ.

Мисол учун Тошкентимизнинг Эски шаҳар қисми ҳали ҳам қадимги ҳолича хароб бўлиб турибди. Тошкент деярли қайта қурилди, ўнлаб массивлар, минглаб кўп қаватли иморатлар қад кўтарди. Лекин Эски шаҳар аҳолиси Тошкентнинг қайта қурилишидан деярли манфаатдор бўлгани йўқ. Афсонавий тарзда кенгайиб, ўсиб бораётган, катта қулайликлар билан таъминланган уй-жойларда асл тошкентликлар эмас, кўпроқ бошқа регионлардан кўчиб келганлар осонгина уй-жой билан таъминланиб яшамоқда. Ҳайрон қоласан киши. Албатта, ҳар бирининг важ-корсони бор. Лекин Эски шаҳарнинг ёлғиз одам юрадиган тор кўчаларида қиш кунлари икки-уч километрга пақир билан кўмир ташиб, пастак кулбасини шу кунларда иситишга уринаётган ўзбек меҳнаткашини кўриб ачиниб кетасан, киши. Ёзда эса водопроводларда сув қуриб қолади. Канализация ҳақида гапириш бу ерларда ҳали афсона, телефон деган дастёрнинг бу ерларга сими етмай қолган. Биргина Октябрь ноҳиясида 7816 оила шундай ўрта аср давридаги ҳолатда яшайди. Асосан ўзбеклар. Шу ноҳияда 35 та мактабдан 29 таси икки-уч сменада ўқитилади. Бу мактабларнинг ярмидан кўпи эскирган бинолар бўлиб, оддий ўқув имкониятларига ҳам эга эмас. Минг балли, тағин ҳам шуларнинг орасидан етук инсонлар ўсиб чиқади.

Энди боғчалар ҳақидаги муаммоларни гапирсак ёқа ушламай иложимиз йўқ. Эски шаҳар атрофида турадиган хонадонлардан тушган аризаларга биноан 15 минг бола боғчага навбат кутиб турибди. Навбат кута-кута охири тўғри мактабга йўл олаверади. Октябрь ноҳиясидаги 22 та боғча бир вақтлар бойларнинг ҳовлиси деб аталган оддийгина хонадонларга жойлаштирилган. Энди бу Эски шаҳар атрофидаги кашшофлар саройи, спорт майдонлари, бассейнлар, маданият уйлари ҳақидаги гаплар у ердаги болалар, ўсмирлар, йигит-қизлар учун бир эртак деса бўлади. Мен шулар атрофида истиқомат қилганим учун, балки миллий ғururим йўл қўймаётганлиги учун шу гапларни ёзаётирман. Тошкентда инқилоб бешиги бўлган Октябрь ноҳиясининг инқилоб нуридан ҳамон бебаҳра бўлиб келаётганлигидан ёзаётирман. Шу ерлардан ҳам ҳар гал депутатлар сайланган. Улар ваъдаларни бериб кетаверган, аҳоли ўз жойида, ўз кулига беланиб қолаверган. Депутатлар депутатлик луқмаларини тинчгина олиб, марказларда ёруғ хоналарда талтайиб, яёв бориши мумкин бўлган бир километр масофага машинада бориб, ўз уруғ-аймоғига қўш-қўш квартира, машина олиб бериб яшайверган. Янги сайловларда ҳам шундай давом этармикан, деган хаёл мени қийнайди. Ажабмас, ишламаган депутатни сайловчилар чақириб олиб изза қилса, эшакка тескари миндириб ўша тор якка-кифт кўчалардан айлантирса, мағзава оқадиган ариқлардан сув олиб ичирса...

Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам икки-уч ой бўлиб қолди. Лекин Қонуннинг кучи унча сезилмаяпти. Менда Конституциямизнинг бажарилмайдиган банди бўлиб қолмасмикан деган қўрқинч бор. Нега деганда, бизга маънавий-сиёсий руҳ бериб турадиган ноҳия ижроия қўмиталаримиз ҳали ўзбек тилида иш бошлагани йўқ. Ахир бизнинг етакчи кучларимиз фирқа ва шўро ташкилотлари Қонун бажарилишини бошлаб берсалар ўз-ўзидан қуйи ташкилотларда иш юришиб кетган бўларди. Балки, яна эскича буйруқ ва кўрсатмалар кутишаётгандир юқоридан. Бундай хомтамаликдан воз кечиш вақти ҳозир. Қонундан юқори кўргазма бўлмайди, азизлар.

Мен Ҳамза театримда фирқа ташкилотининг котиби сифатида 1989 йил охирида 1990 йилдаги театр коммунистларининг иш тадбирларини рус тилида ёзиб эълон қилганимдан 99 фоиз ўзбек бўлган коллективим ҳайрон бўлди. Мен узр сўрадим. Ҳали ноҳия фирқа қўмитамиз ўзбек тилида ишлаш услубига ўтмаганлигини айтдим. Кўпгина йиғилишларни рус тилида ўтказишга одатланиб кетганмиз. Баъзан тингловчилар ўзбек бўлишига қарамай, ўз она тилимизда гапиришга иймангандай бўламиз. Айтилаётган фикрларни тўла тушунолмасак ҳам норозилик билдирмаймиз. Яқинда жумҳурият миқёсидаги бир суҳбатда биргина рус ўртоғимиз бўлганидан ўзбек тилида гапира бошлаган эдик. У ўртоғимиз «мен тушунмайман» деб чиқиб кетишга журъат этди-ку! Ҳадеб андиша қилаверсак, қачон ўз ҳуқуқларимизни тиклаймиз. Она тилимизни иккинчи даражага қўйганимиздан ўзбек тилини тўмтоқ ҳолга олиб келиб қўйдик. Туппа-тузук оилаларимиз, ҳатто раҳбарларимиз ўз она тилида гапиролмайдилар. Гарчи ўз вазифасидан кетган бўлса ҳам ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодиров Фарғонада бўлган мудҳиш воқеа муносабати билан қилган мурожаатини ўз она тилида равон гапиролмади-ку!

Баъзан қилинаётган ишлар ҳам чала-чулпа бўляпти. Мутасадди ташкилотлар бу «Давлат тили қонуни»ни чуқурроқ ўрганмай, юзаки ёндашаётганлигидан деб биламан. Масалан, маҳалла, кўча, майдон ва ҳоказолар битта тилда, асосан ўзбек тилида номланиши керак. Лекин Тошкент метросидаги бекатлар ҳамон таржима билан эълон қилинмоқда. «Халқлар дўстлиги», «Дружба народов», деб таржима билан ёзиб қўйилган. Лекин қизиғи шундаки, «Привокзальная» кўчасининг номи икки тилда бир хил ёзилган. Тилга, тил қонунига эътиборсизликнинг оқибати. Менда ҳамиша бир савол кўндаланг бўлади. Нима учун бизнинг тимсолий жумҳуриятимиз РСФСРда рус тилини билмайдиган одам яшолмайди-ку, бизнинг Ўзбекистонимизда ўзбек тилида саломаликни ҳам билмайдиган одамлар бемалол яшайверадиган бўлиб қолган? Бу, албатта, ҳаммага маълум тил сиёсатининг шовинизмидан келиб чиққан.

Лекин илгари Ўзбекистонда яшаган руслар ва бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини билишган ва ҳурмат билан ўрганишган. Мен илгари мақолаларимда Ўзбекистон халқ артисти Мария Кузнецовани ўзбек саҳнасида ўзбек тилида ажойиб образлар яратганини ёзганман. Менга у инсоннинг сиймоси ҳақиқий рус байналмилалчиси тимсоли бўлиб гавдаланаверади. Бунга ўхшаш мисоллар кўп бизнинг ҳаётимизда. Лекин кейинги йилларда «ёрдамга» келган раҳбарларнинг кўпчилиги «тўра» бўлиб кетишди. Ҳозир айрим ўзбек тили урф-одатларини ўрганишга бел боғлаганлар ҳам борки, улар фақат халқимиз олқишига сазовор бўлур. Лекин бизнинг кўнглимизни ранжитиб кетган уч раҳбарни яхши биламан. Бири Титов — у киши бевосита кадрлар билан шуғулланадиган вазифада бўлиб, баъзи бир эътиборли миллий раҳбарлар обрўсига шикаст етказди. Айниқса миллий зиёлиларга ёмон муносабатда бўлди. Буюк олимимиз Ҳабиб Абдуллаевни ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди. Унинг зуғум ва сиқиқлари бевақт ўлимга сабаб бўлди. Худди шу лавозимда ишлаган Греков ўша қўшиб ёзишлар, порахўрликлар авж олган бир пайтда сувдан қуруқ чиқиб, секин марказга йўл олдилар. Бу ерда қилган, у билан бирга ош-қатиқ бўлганлар кўпчилиги ишдан олиниб, қора курсига ўтирдилар. У «акам» эса хориж элларда юқори лавозимларда туя кўрдингми, йўқ, бия кўрдингми, йўқ, қабилида ишлаб юрибдилар.

Яқиндагина бизга ёрдамга келиб жумҳуриятимиз фирқа ташкилоти Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Анишчев қанча-қанча миллий кадрларни тагига сув қуйди. Гўё у киши шунинг учун раҳбар бўлиб келгандай. У киши келиши билан ҳаммаёқ батартиб, чарақлаб кетгандай; аслида аксинча бўлганлиги бугун сир эмас. У кишини вақтинча «гастрол»га келганлиги ҳатто оиласини кўчириб келтирмаганидан ҳам аён бўлди. Бизга қон-қардош бўлиш учун эмас, вақтинча «тартиб» ўрнатиб бериш учун келадиганлар халққа нисбатан бераҳим, бешафқат бўлишини юқоридаги уч вакилдан яққол кўринди. Ана шундай диёнатсизларнинг, халқлар дўстлиги илдизига болта урганларни кўриб кимнинг ғазаби қўзғамайди дейсиз?

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари лауреати.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

Бугун — Совет чекланган қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилганига, мақсадсиз урушнинг тугаганига бир йил тўлди. Сўнгги аскаримиз Ҳайратон кўпригидан она юртга қайтишини чуқур ҳаяжон, кўзда ёш билан, қалбда армон, дард билан кўрганимиз, кузатганимиз ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди...

Йўқ, булар мактублар эмас. Оҳ-фарёд сизган кўнгилларнинг ноларидир. Йўқловларнинг армон рангли яловлари. Ҳечам уларнинг биронтасини бефарқ ўқий олмайсан. Юракдан отилиб чиққан, суякларни зириллатиб юборадиган сўзлар. Шаҳид кетган бўзболалар танасига санчилган пўлат зирҳу, қўрғошин ўқларни эслатади улар. Зил-замбил мактубларни тутган қўлларинг қалтирайди. Волидалар кўз ёши, оталар ҳасрати, элдошлар алами юкланган сатрлар дастидан ич-ичингдан тутайсан. Бу мактублар не-не ҳовлиларга дард олиб кирган «темир қутилар» каби кўнгилларни вайрон қилади. Ҳарбийдан қайтмаган энг яқин жигаргўшасининг дард-аламларини сизга тўкади. Биз тириклардан тақдир яралаган қалбларга малҳам сўрайди. Инсоний мурувват, қолаверса, хайрихоҳлик истайди...

Мана бу мактуб бизларнинг биримиз билан хизматда бўлган марҳум қисмдошимиз Шуҳрат Аллабергановнинг опасидан келган:

«...Укам — кенжамиз Шуҳратжон Афғонистонда ҳалок бўлди. Онамнинг аҳволи оғир. Бунинг устига 18 нафар жон, яъни, тўрт оила беш хонали уйда тиқилиб яшаймиз. Шароитимиз аянчли. Неча йилдан бери касалманд бўлиб ётган онам бечоранинг бормаган жойи, учрашмаган идораси қолмади ҳисоб. Ваъда беришади холос...»

Тасаввур қилинг-а. Бир ҳовлида ўн саккиз киши. Афғон тупроғида жон берган байналмилалчи жангчи хонадонининг аҳволи. Бундай лоқайдлик, бепарволик инсонийлик шаънимизга тўғри келармикин? Наҳотки мухтор жумҳуриятнинг Манғит ноҳияси ижроия қўмитасидагилар бу ҳолга шу пайтгача кўз юмиб келишаётган бўлишса-я?!

Шуҳрат билан взводдош эдик. Бир казармада ёнма-ён ётардик. Узун кечаларда кўп сирлашганмиз. Оғир жанглардан сўнг, ёхуд жанг олдидан у ҳар доим уйдагиларини, айниқса онасини кўп ўйларди. Унинг отаси йўқ эди. Сағирликда вояга етган дўстимиз «онам қийналиб қолмадимикан-а?» дея ўксинарди...

Ўн йил. Тарих олдида кўз очиб юмгудек лаҳза. Афғондан афғон нафаси келган, минглаб қалбларни жароҳатлаган йиллар. Кексалар тиловат қилдилар: «У ёқларга ҳеч кимни тушгулик қилмасин...» Кўз қароси дарё ортига кетганларнинг илинжи оқ қуш янглиғ хатларга боғланди. Бироқ уларнинг қаноти қорайиб қайтгач...

Унинг исми Турсунали эди. Бу номни бежиз қўйишмаганди. Катталарига гўдаклигиданоқ ота-она бағрини тўлдириб яшаш насиб қилмади. «Шу болам турсин» дейишиб, бу исмни танлашди. Фарзанд куч-қувватга тўлиб, уларнинг қувончига айланган кезлар номард тақдир униям кўп кўрди. Турсуналидан ёдгорлик бўлиб Бахтиёржонгина қолди холос...

«Укам Турсуналининг тобути келганига мана ўн йилдан ошди. Унинг қони афғон тупроғида тўкилди. Бироқ ҳанузгача жигарим билан ўйнабкулган кўчамизни унинг номига қўйдиролмай сарсон бўлаяпмиз. Бизга ёрдам берсанглар...

Салом билан сизлардан мадад кутиб: Донахон Асадуллаева.

Фарғона вилояти, Риштон ноҳиясидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхози».

Урушнинг жирканч қўллари отасидан айирганидан бехабар Бахтиёр падари бузруквори ўйнаб катта бўлган кўчада чопқиллаб юрибди. Бир куни унинг «отам қани?» деб сўрайдиган даҳшатли сўровларига «У афғонда қаҳрамон бўлиб ўлган» деймизми? Болакайга таскин бўлармикан бу жавоб? Унинг ўжарлиги тутиб «Кимлар ва нима учун жанг қилган ўзи?» деса-чи? Наҳотки риштонликларга бир кўчани Турсуналининг номи билан аташ шунчалик қийин-а?..

Фарзанд доғида ковирилаётган хоразмлик Деҳқон ака Қутлиевнинг хонадонидан хабаримиз борми? Кўзининг қораси Эргашнинг афғонда ҳалок бўлганидан бери ота тунлари ухлолмайди. Қайтмас бўлиб кетган ўғли ҳар куни тушларига кириб чиқади. Юрагининг бир бўлагидан жудо бўлган Сора опанинг йиғлай-йиғлай кўзи кўр бўлиб қолди. Бу кўнгли ярим тириклар ҳолидан хабардор бўлган раҳбарлар Янгиариқ ноҳиясида топилармикан? Ленин номли хўжалик мутасаддилари-чи?! Бу саволга ким жавоб беради?..

...Жалолқудуқ ноҳиясидаги Ойим қишлоғилик Эргаш Шермуҳаммадиев Афғонистонда 1985 йили... Отаси Бозорбой ака ногирон. Ўн йилдан бери ишламайди. Дардини кимга айтишни билмайди. Ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам берилмаяпти. Масъул ташкилотлар раҳбарлари бу ҳовли остонасидан ҳатлашмаган ҳам кўринади-ёв...

Жалолқудуқлик мутасаддилар! Қўрқманг! Отанинг сизга оғирлиги тушмайди. Кўмаклашсангиз, елкангизга тоғ ҳам йиқилиб кетмас. Ночорликда, мусибат исканжасида яшаётганлар бошини силаш сизнинг вазифангизга кирса керак...

Бу дунёда балки, бир онанинг сиз,
Тилаб олган ёлғиз ўғли эдингиз,
Қайтмас бўлиб қаро ерга кетдингиз
Мулки афғон бўлиб кетган
ўғлонлар.

Бу қўшиқни ким кўз ёш тўкмасдан эшитар экан-а?

Сурхондарёлик Нуриддин Қоракуловнинг мактубини очамиз. Кўз олдимиздан олтинсойлик Ражабгул ўтаверади. Бағрида норасидаси Сарвиноз ва Заррагул билан тул қолган, Ражабгул, 28 ёшида афғонда ҳалок бўлган Холмуҳаммад Розиқовнинг беваси..

Бу сатрларни ёзолмаяпмиз. Ахир яна унинг дардини қўзғаб... У қизчаларини қандай юпатар экан-а?



РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

— Ойи, менинг дадам алмиядан қўғирчоқ опкелади-я? — сўрайди ҳеч нарсадан бехабар Заррагул.

— Ҳа, жоним... — онанинг ичидан бир нарса узилиб кетгандек бўлади.

— Дадам қачон келади?

— ...

Ражабгул жим. Эй худо! Бу жимликни ҳеч кимнинг бошига солмагин-да...

Кеча сал эсини таниган Сарвиноз кўчадан гап топиб келди:

— Моможон, эшитдингизми, қишлоғимиздаги мактабнинг номи ўзгарибди. Холмат деганни... (Холмуҳаммад деб тўлиқ айтолмади...)

Сора опа рўмолининг учини тишлайди. Киприкларига илинган ёшни қўли билан билдирмасдан артади. Невараси тушмагур ҳам сезгир:

— И-е-е, нега йиғлаяпсиз? — деб сўрайди.

— Бор, қўзичоғим, кўчага қара, ўртоқларинг чақиришяпти. Ўйнаб келгин...

Невараси кўчага қараб югуриб кетади.

Заррагул эса ҳали анча ёш. Бир кун келиб улар Олтинсойдаги 9-ўрта мактаб оталари — Афғонистоннинг Кунар вилоятида қаҳрамонларча ҳалок бўлган катта лейтенант Холмуҳаммад Розиқов номига қўйилганлигини англайдилар...

Олтинсойликлар ҳимматига «балли!» дейиш керак.

Бироқ, янгибозорлик, Р. Рамонова, оқдарёлик Д. Мардиева, Н. Акбаров, жомбойлик Г. Мелиев, зоминлик К. Мусирмонов, сариосиёлик М. Мўминова, хатирчилик Р. Маматоваларнинг мактубларида бунинг тескариси — марҳум байналмилалчи жангчилар хотирасига нисбатан мавжуд жойларда бефарқлик ҳукмронлиги, чора-тадбир кўрилмаётганлиги ҳақида куйиниб ёзилади.

Мактублар... Уларни саралашнинг ҳожати йўқ. Ёниб айтилган гаплар сизни шундоғам ҳаяжонга солаверади. Бу мактублардан иккитаси диққатимизни тортади: Бирини Китоб ноҳияси комсомол қўмитасининг комсомол ташкилотлари бўлими мудири Шавкат Норқобилов йўллаган. Бирини эса Қўқон шаҳридаги Силикат кўчасида яшовчи Турсуной опа Комилова. Яхшиси, Турсуной опанинг мактубини ўқийлик:

«Ҳурматли редакция! Катта ўғлим Шокиржон 1983 йил Афғонистонда ҳалок бўлган. Боламнинг дийдорини кўролмаганим камлик қилганидай, унинг қуролдошларидан ҳам ҳеч кимни билмайман. Мени бир нарса қийнайди. Афсуски, оила аъзоларимдан бошқа биров Шокиржонимни эсламайди. Унинг номини абадийлаштириш учун ёрдам беринглар. Номнишонсиз кетмасин болам...»

Энди иккинчиси — Шавкатнинг мактуби:

«Сафдошларимдан бири, қўқонлик Шокир Комилов эди. У Фозилов деган ҳамшаҳари билан бизнинг ротага хизматга келди. 1983 йил 3 июнь куни Кобул — Жалолобод йўлидаги машиналарни ҳимоя қилиш учун отландик. 8 июнь куни тўсатдан тревога бўйича кўтарилдик. Биз йўлга тушиб кўприкдан ўтишимиз биланоқ, жанг бошланиб кетди. Шу куни олти кишидан ажралдик. Дўстларига ёрдам бериш учун шошилган Шокиржонни ҳам душман ўқи йиқитди. Шокиржоннинг қанча орзулари увол кетди-я...»

Ўкинманг Турсуной опа! Ўғлингиз Шокиржоннинг қуролдош дўстлари топилди. Эшитяпсизми, ҳатто унинг комсомол билетини ҳам Шавкатжон асраб-авайлаб юрган экан...

Жангчилар... Яқинларига дил видоси етмаган, йироқларда армон билан кўз юмганлар. Энди уларни ўлим олдидаги сўзларини эшита олармиканмиз? Қайсидир жанггоҳдошга топширилган сўнгги васият қачон остона ҳатларкин? Уларнинг сиймоси охирги марта қайси нигоҳларга сингиб кетдийкин?..

Андижонлик Абдусаттор Давлатовнинг қайтишига 2 ойгина вақт қолганди.

Аммо ўша 1983 йилнинг 10 мартида... Пули—Хумри вилоятида...

«Нуридийдамнинг қай аҳволда жон берганидан дарак берувчи дўстлари бормикин?..» дея зорланади Андижон ноҳиясидаги Хартум қишлоғи, 20 уйда истиқомат қилувчи Маърифат ая Давлатова.

Аянчли ҳол. Тошкентлик Шавкатжон Исмоғилов ўз уйида ота-она, қавми-қариндошлари ҳузурида кўз юмди. Оғир ярадор бўлиб қайтган жангчи ҳаётини пойтахт ҳарбий госпиталида қилинган бешинчи операция ҳам сақлаб қололмади. Фақатгина дийдорига термулиб, бир оғиз сўзини ололмаган ота-она, қариндош-уруғлар учун бундан ўзга кўргулик бўлмаса керак. Синглисининг йиғлаб битган ушбу мактуби эса қалбларимизни тилкалайди:

«Акажонимнинг хизматдошлари! Биз СИЗни зориқиб кутаяпмиз. Ўша — Сизнинг, Шавкат дўстингизнинг оиласи мотам либосидалигидан хабардормисиз? Шавкат Пули—Хумри вилоятидан оғир аҳволда қайтганича қайтиб оёққа турмади. 27 январь куни бизни чирқиратиб ташлаб кетди. У ўзи билан ўзи бўлиб, жон берди. Қайсингизнидир исмингизни айтиб чақираверди. Жон акалар, уйимизга келинглар. СИЗни кутаяпмиз. Акамнинг бошига қандай қилиб оғир кун тушгани ҳақида хабар беринг...»

Ҳилола Исмоғилова.

Тошкент вилояти.
Тошкент ноҳияси,
«Ильич» колхози.

Афғонистон... Ноҳақ уруш.. Беҳудага тўкилган қонлар.. Не-не алплар ортидан изиллаган жабрдийдалар... Темир қутиларга айланиб қолган ўғлонлар... Ҳамма-ҳаммаси кечириб бўлмас гуноҳ эмасми? Қалтис сиёсатнинг қимматга тушган асорати бу! Юқоридаги олов сатрларнинг барчасига ушбу мактубни хотима деб билдик:

«Бизлар, гражданлар, иккинчи жаҳон уруши даврида миллионлаб қурбонлар бердик. Булар етмагандай шахсга сиғиниш йиллари, 37-йил репрессияси олиб кетган беҳисоб «айбсиз айбдорлар»-чи? Энди елкамизга офтоб тегай деганда, афғон деган «ўпқон»га қанчалаб ўт юракларни ташладик.

Энди улардан нималар қолди? Тўғри, баъзи мактаблару, дружина, пионер отрядлари, қаровсиз кўчаларнинг номларими? (Улар ҳам қанча дилхираликлар эвазига рўёбга чиқаяпти).

Менинг таклифим: афғон қурбонлари хотирасига аталиб махсус бир кун белгилансин. Шу куни уларнинг қабрларини зиёрат қилайлик. Дарахтлар экайлик... Энди ҳеч қачон бу хато қайта такрорланмасин...

Насиба Ўринбоева,
Тошкент халқ хўжалиги институти талабаси».

Қўлимиздаги яна бир даста хатлар эса элдошларимизнинг Она Ватанимизда йигитлик бурчини ўтаётиб, ҳалок бўлганлиги ҳақида ёниб сўзлайди. Шонли, аскарга ҳомий, метин интизомли армиямизнинг тинч замондаги қурбонлари... СИЗга нима бўлди?

«Дорибек Эргашев хизматни ўташ чоғида оғир дардга чалиниб ҳалок бўлган. Бугун уни ота-онасидан ўзга ҳеч ким хотирламайди. Ахир у ҳам давлатимизнинг юмушларини бажараман деб вафот этган-ку. Хотиранинг бегонаси бўладими?

Н. ОРИПОВ,
Андижон вилояти,
Хўжаобод ноҳияси.

«Ўғлингиз афғонда ўлмаган... номини ҳеч жойга беролмаймиз...» дейишибди деновлик раҳбарлар онамни жеркиб», деб ёзади Н. Тошмуродова ўз мактубида.

Эй, Сиз, курси қуллари! Зиғирча одамгарчилик борми сизларда?! Наҳотки Сизга юқоридан махсус қарорлар керак? Онанинг ёлғиз суянчиғи — Абулқосим Нормуродов ҳам Ватан тинчлиги, эл фаровонлиги деб узоқ Одессадан Сурхондарёга кутилмаганда совуқ тобутда, кафансиз қайтди-ку!

«...Акам Маъмуржон Қозоғистонда хизмат бурчини ўтаётиб, фожиали ҳалок бўлди. Катта акам — Мадаминжоннинг Афғонистондан соғ-омон қайтганига шукр қилиб юргандик. Тинч жойда хизмат қилиб юрган акамнинг ўлганига ҳали ҳам ишонгим келмаяпти... — деб ёзади учқўрғонлик Гулчеҳра Ғафурова.

Янгийўллик С. Аъзамова ҳам укаси Равшаннинг Совет Иттифоқида хизмат қилиб ўлганини, бугунги кунда уни ҳеч ким сўрамаётгани ҳақида изтироб билан ёзади.

Боғдод ноҳиясидаги Чувалангчи қишлоғилик Тиллахон опа ва Исоқ акаларга ҳам элга аскар тўйи қилиб, ўғли Нурмуҳаммаджон Ҳамдамовнинг бошидан сочала сочиш насиб қилмади. Ёлғизи 1983 йили...

Мусибат. Уларнинг чироғини ёқувчи ҳеч ким йўқ энди. Ўтган йили хотира кунида армиядан қайтмаганларнинг исми-фамилиясини хотирлашибдилар. Нурмуҳаммадни эса... Шўрлик ота-она юрак-бағри куйиб қолаверишди. «Афғонда ўлмаса ҳисоб эмасми..?»

Ҳа, ҳақли савол. Ахир Нурмуҳаммадни ота-она бағридан чақириб олишганди-ку? У ҳам шу Ватанни деб...

Бағри куйиб кетган мунис оналар, дардини ичга ютган, юраги хаста оталарнинг юрагини куйдириб юбораётган бу саволлар ҳақли эмасми? Бир фарзандни вояга етказиш осонми? Сиз, тинчгина замонда тўсатдан «ўғлингиз... Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаётиб...» деган мудҳиш сўзларни қайси бир ота-онага раво кўрасиз?

Эҳ, одамлар, «яна беш кунлик дунё» деб бир-бировимизни юпатиб яшаймиз. Лекин ана шу беш дақиқада умрини хазон қилган фарзандларимизнинг муборак хотиралари олдида қарзимиз нечоғли кўп эканлигини биз тириклар унутиб қўймаяпмизми? Ахир Ватан битта-ку! «Ватандан ташқарида бахт йўқ» дейдилар. Шундай экан, уларнинг хотирасини абадийлаштиришда ҳеч қачон, ҳеч қандай тўсиқ ва чегара бўлмаслиги керак...

Норқобил ЖАЛИЛ,
Қўчқор НОРҚОБИЛ.

ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАР

Байналмилал жангчилар...

Наманган ноҳияси бўйича 239 йигит ўзининг байналмилал бурчини Афғонистонда ўтаб қайтган. Тўртта йигит: Шермуҳаммад Сиддиқов, Нуриддин Тошматов, Носиржон Қаюмов ва Достонбек Ўриновлар эса... Ноҳиянинг Муллакудинг қишлоғида ҳозир ўн бир нафар собиқ «афғон»лар истиқомат қилишмоқда. Хўш, уларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилган?

Яхшиси, бу саволга байналмилалчи аскарларнинг ўзлари жавоб бера қолишсин.

Абдулло УБАЙДУЛЛАЕВ:

— Қоида бўйича бизга озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт берилиши керак. Афсуски, ҳали бирон марта ҳам буларни ололганимиз йўқ. Нега шаҳарликларни гўшт билан таъминлашадию, бизга келганда жим туришади. Мен шаҳар, қишлоқ деб ажримчилик қилмоқчи эмасман. Айбимиз қишлоқда яшаганимизми? Ахир бозордан 5-6 сўмга гўшт олиб истеъмол қилишга мажбур бўлаяпмиз. Бу ёғи ойлик маошимиз бир нави бўлса... Бизга имтиёзлар белгиланган. Мана, айтайлик поездда юрганда йўл ҳақининг ярмини тўлашимиз керак. Аммо бизлар билетни тўла баҳосига олаяпмиз. «Нега?» деб сўрасангиз, кассирлар бизлардан гувоҳнома билан биргаликда талон ҳам талаб қилишади. Ҳарбий комиссариатдагиларга мурожаат қилдик, натижа йўқ...

Икромжон ТУРҒУНОВ:

— Ноҳиямиз маркази Тошбулоқда уруш қатнашчилари магазини бор. Бироқ бу ердаги нарсаларни бизга беришмайди. Рўйхатда йўқ эканмиз. Мен ўзим каби «афғон»лар билан дардлашаман. Ҳаммасининг юраги тўла ҳасрат. Газеталарда роса ёзишаяпти, барибир ҳеч нима ўзгаргани йўқ...

Жакбарали ЁҚУБОВ — ноҳия байналмилал жангчилар уюшмасининг раиси:

— Йигитларнинг эътирозлари тўғри. Мен ҳам уларга қўлимдан келгунича кўмаклашаяпман. Лекин барибир ёлғизман. Бошқалар «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутишаяпти.

...Жакбаралининг ёрдами билан тўрт нафар байналмилал жангчи қурилиш материаллари, икки нафари ер ва биттаси енгил машина билан таъминланди.

«Ҳайрият Жакбарали бор экан. Умрингдан барака топгур, шаҳид кетганларнинг уйларига бориб, ота-оналарининг кўнгилларини сўраб турибди. Бўлмаса ноҳиядаги мутасаддиларнинг хаёлига ҳам келмасди», — дейишди қишлоқ аҳли.

«Комсомольская правда»да уруш ветеранларидан бири «афғон»ларга ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан тенг ҳуқуқ берилиши керак, деб ёзган эди. Дарҳақиқат тўғри. Гарчи улар ўз элининг тинч дориломон кунлари учун курашмаган бўлсалар-да, лекин ўзга тупроқда кимларнингдир кечирилмас хатолари туфайли ширин жонларини хавф остига қўйиб, қон кечиб келишди-ку?

Ҳеч бўлмаса, афғондан омон қайтиш насиб этган кўнгли ярим йигитлар қалбига малҳам бўлиш ҳам қўлимиздан келмайдими?..

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ.

ШАҲИДЛИК

(АФҒОНДАН ҚАЙТМАГАН ЙИГИТЛАР ХОТИРАСИГА)

Ўлсам бўларди-ку, тошларни қучмай,
Бош қўйиб, бир қизнинг оёқларига.
Сувдоним қон менинг, ёнгум сув ичмай,
Етолмай қишлоқнинг булоқларига.
Кўйлагим қип-қизил... афғон қир — алвон...
Йиқилдим... баданим ўқларга тўлиқ.
Сен мендан рози бўл, тобутда товлан
Энам сандиғида қолган чимилдиқ.
Бир лаҳза...
Ер тугар, йўқолар осмон.
Мен ётгум тарихнинг варақларида,
Тобутим тиқилиб қолар беомон
Отамнинг дард сузган қароқларида.
Эгачим, дўппилар тиккан эгачим...
Мен омон қайтолмам совғаларингга.
Бериб қўй, уларни кийсин мен учун
Аскар тўйин кутган оғаларимга,
Оғир-ей, бир ҳовли азадан куяр...
Укамнинг кўнглида сўнгсиз нолалар.
Ул бор...
«Уруш-уруш» ўйнамай қўяр
Элдоши афғонда қолган болалар.

Қўчқор НОР.

ТЕНГЛИК БЎЛСИН

«Мен бу мактубни 28 нафар захирадаги аскарлар — собиқ «афғон»лар номидан йўллаяпман. Бизларни ҳам 1979 йилнинг декабрида Афғонистонга ўтказишган. У ёқда турли хил ҳарбий қисмларда хизмат қилдик. Даҳшатли воқеаларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Мени, қолаверса урушнинг даҳшатли йиллари афғонга захирадан чақирилган дўстларимни бир нарса қийнаяпти. Мана, афғонда хизмат қилган аскар йигитларга баҳоли қудрат имтиёзлар яратиб берилаяпти. Лекин бизларга-чи? Ахир биз ҳам Ватан топшириғи билан ўзга эл тупроғига қадам қўйган эдик-ку. «Байналмилал» бурчни бажараяпсизлар» деган гапларни неча марталаб эшитганмиз. Аммо бугунги кунда ҳеч ким ҳолимизни сўрамайди. Энди тушунолмай қолдим, бизлар ўзи киммиз? Ўзимизни «байналмилалчи» дейишга ҳаққимиз борми ёки...

Соатмурод НОМОЗОВ,
Ангор ноҳияси.

* * *

Редакциямизга мактуб йўллаган Каттақўрғон ноҳиясидаги «Правда» колхозининг Кадан қишлогида яшовчи Акрам Бозоров ҳам Афғонистонда 70 кун хизмат қилган. «Мен «Красная Звезда» газетасининг 1989 йил 2 август сонида эълон қилинган «Афғонларга янги имтиёзлар» деган СССР Мудофаа Министрининг буйруғи ҳамда СССР Министрлар Советининг қарорига биноан афғонда ўқув йиғинларида қатнашганларга имтиёзлар берилади» деган сўзларни ўқиб, қолдим. Бу қарор қачон амалга ошади?

Сурхондарё вилоятидаги «Вандоб» санаторияси ходими Давлатниёз Баратов, тошкентлик Шоакбар Ёқубовлар ҳам шундай саволлар берган. Жумҳурият ҳарбий комиссариати бу масала бўйича редакциямизга ўз муносабатини билдиришини сўраймиз.



Биз сизни унутмаймиз.

Сураткаш: Ж. ҚОЗОҚОВ.

АЙБИМИЗ...

Мен ҳам Афғонистондаги ўн йиллик урушнинг жонли гувоҳиман. У ёқда бошимдан кечирган воқеаларни, даҳшатларни ёзишнинг ўзи бўлмайди. Афғондан олиб келган дардларим бир умрга етиб ортади. Лекин бизларни ўз Ватанимизда нелар кутаётганини билмасдик. Энг муҳими, омон қайтиш эди. Афсус...

Яна кўпчилик ўйлар: «Буларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар камлик қилаяптими?» деб. Йўқ, азизлар бизга агар қўлингиздан келса, моддий ёрдам эмас, маънавий ёрдамингизни дариғ тутманг. «Нега бу йигит бунчалик куйиб-пишаяпти» ҳам дерсиз?

Афғондан қайтгач, Қарши Давлат педагогика институтининг география факультетига ўқишга кирдим. У вақтда ҳалиям қўлимдаги жароҳатлар қаттиқ азоб берар эди. Шунда бизларга граждан мудофаасидан дарс ўтадиган А. Н. Суменков менга «ўқув йили бошидан бери ўқитилган барча темаларни дафтарга кўчириб олиб келасан» деб туриб олса бўладими? Мен эса декабрь ойидан бошлаб ўқишни бошлаганимни тушунтириб айтдим. «Портлаган бир сен эмас, балки мен ҳам портлаганман» деб барча курсдошларим олдида мени жеркиб ташлади. Ер ёрилмади...

Ҳурматли редакция! Ушбу мактубим газетангизда эълон қилинса, токи одамлар биз каби собиқ «афғон» йигитларининг ўз туғилиб ўсган ерларида ҳам тортаётган азобларидан огоҳ бўлсинлар!

Биз ўз хоҳишимиз билан бегона юрт тупроғига қадам қўймаганмиз-ку? Ахир Ватан хизматини, йигитлик бурчимизни ўтаганмиз холос. Бизнинг гуноҳимиз шуми?

Салом билан: Парда КАРИМОВ.

МАРҲУМЛАРГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Ҳурматли редакция!

Бу мактубни бир дили хаста, бағри ярим инсон ёзаяпти. Менинг ўзим Улуғ Ватан урушининг оловли йўлларини босиб ўтганман. Фалакнинг гардишини қарангки, мен кўрган уруш йиллар ўтиб, фарзандимнинг ҳам пешонасига ёзилса бўладими? Бизлар беш йил қон кечиб шундай кучли ва тажриба орттирган гитлерчилар армиясини не-не машаққатлар эвазига енгган эдик. Биз урушга «Ватан учун!» деган шиор билан кириб келардик. Болаларимизнинг эса «ўз байналмилал бурчларини бажаришаяпти», деб афғонга юборишганини ҳалигача тушунмайман. «Байналмилал бурч»ни оз эмас, кўп эмас салкам ўн йил адо этганимизни ҳам....

Майли, нима бўлса ҳам бўлар иш бўлди. Вақтни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмаганидек, афғон хатосини ҳам энди тузатиш мушкул. Мени бошқа нарса қийнайди. Афғонистондаги мақсадсиз уруш менинг ҳам юрагимни ярадор қилиб кетди. 1967 йилда туғилган ўғлим Нуриддин 1986 йил 9 июлда афғонда ҳалок бўлди. Бу фожиа бутун оиламиз бошига келган даҳшатли кўргулик эди.

Албатта, доимо тириклар марҳумлар ҳақида қайғурадилар. Ўғлимнинг яқин дўстлари, совхоз аҳли унинг номини кўчалардан бирига қўйишга қарор қилдилар. Бу хайрли ишни совхозимиз раҳбарлари, райижроқўм, вилоят ижроия қўмитаси, ички ишлар бўлими — ҳаммаҳаммаси бир овоздан маъқуллаб чиқдилар. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, кўчани ўғлимнинг номи билан атай бошлашди ҳам. Аммо қувончимиз узоққа бормади. Оқолтин ноҳияси Ҳарбий комиссариати (комиссари Б. Жиянбоев) нуфузли идоралар томонидан чиқарилган бу қарорни бекор қилди. Мен шундан сўнг комиссариатга ҳам бордим. Улар мени тинглашни ҳам исташмади. Наҳотки, халқ талабидан ҳам устунроқ бўлган асоссиз буйруқлар қайта қуриш давридаям йўқолмаса?

Бир фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, Ватан учун, эл учун хизматга юбориб, энди бугунги кунда ҳақиқат излаб овора бўлишим қолувдими?


Илтимос, менга ёрдам беринглар.

Салом билан:

Мамаражаб БОТИРОВ,
уруш ва меҳнат ветерани. Сирдарё вилояти, Оқолтин ноҳияси, «СССР 60 йиллиги» совхози.

Ёшлар ижоди

ҲАЁТ — ИЛҲОМ БУЛОҒИ



— «Ислом лашкари фақат Сурхонда қолди. Ана шундай ловуллаган жойга Набиевни жўнатишибдими, демак»... — Зукко муштарийлар дарров англадилар. Ҳа, бу парча Ш. Ҳолмирзаевнинг Ҳамза мукофотига сазовор бўлган «Қора камар» асаридан. Бугун биз спектаклда бош роль ижрочиси бўлган иқтидорли актёр, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ҳошимжон Арслонов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ҳошимжон ёшлигида актёр бўламан, деб ҳеч қачон ўйламаганди. Спорт, айниқса, футбол унинг жону-тани эди. Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилиб ўсди. Азбаройи футболга ишқибозлигидан бешинчи синфда ўқиб юрган кезларида Тошкентдаги махсус спорт мактаб-интернатига келиб таҳсил ола бошлади. Бироқ, футболчи бўлиш унга насиб этмади. Орадан уч йил ўтгач, оёғи лат еб, она шаҳрига қайтиб кетди. Футболга яроқсиз бўлиб қолгач, ноилож ундан умидини узди. Энди у мактабдаги драма тўгарагининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди.

Умрни оқар дарёга қиёс қилишади. Дарҳақиқат, у жуда шошқин, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Мактабни якунлагач, Ҳошимжон актёр бўлишга қатъий қарор қилиб, ҳужжатларини Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтига топширди.

— Талабалик йилларим умрбод хотирамда муҳрланиб қолган, — дейди Ҳошимжон ака, — чунки мен жуда қийналиб, машаққат билан ўқидим. Рус мактабини тамомлаганим ўзбек тилида эркин сўзлашишимга, роллар ижро этишимга тўсқинлик қиларди. Йўқ, ҳайтовур, кўп ўтмай она тилимда эмин-эркин, бемалол суҳбатлаша оладиган бўлдим. Ҳатто учинчи курсда Ленинградда ўтказилган бадиий ўқиш конкурсининг лауреати бўлдим.

Халқимизда, «Интилганга толе ёр» деган ажойиб нақл бор. Ҳошимжоннинг талабалик даврларида ўтказган уйқусиз тунлари-ю, тинимсиз изланишлари ўз самарасини берди. Бундан роппа-роса ўн уч йил муқаддам институтнинг актёрлик факультети толиблари диплом иши сифатида Шекспирнинг «Ричард-III» спектаклини саҳнага қўйишди. Муваффақиятли чиққан спектаклдан сўнг «Ёш гвардия»нинг ўша пайтдаги режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Ихтиёров битирувчилардан олти кишини театрга ишга таклиф қилди. Улар орасида Ҳошимжон ҳам бор эди...

Театрга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошевнинг режиссёр бўлиб ишга келиши Ҳошимжон ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Чунки шу пайтгача бир-бирига ўхшаш ролларни ўйнаб келаётган ёш актёрнинг ижодида кескин бурилиш юз берди. Режиссёр унга бири иккинчисидан кескин фарқ қиладиган, қарама-қарши, зиддиятли ролларни ишониб топшира бошлади. Ҳошимжон ҳам ўзидаги бор имкониятни, талантни ишга солиб, ҳар бир қаҳрамон образини томошабин ёдида қоладиган қилиб яратишга интилди. Унинг «Шайтон фаришталари», «Отасининг қизи», «Майсаранинг иши», «Тош тобут», «Томоша», «Узоқ қишлоқ», «Паранжи сирлари» ва кўплаб спектаклларда маҳорат билан ўйнаган роллари шулар жумласидандир.

Яна «Қора камар»га қайтсак.

— Тўғриси, асарда бунақа талқин бўлишини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмовдим, — дейди у ўйчан. — Босмачилик ҳаракати ҳақида бизга болаликдан қолип фикр мавжуд бўлганлигидан ролни осон ижро этишимга шубҳа қилмаган эдим.

Дарҳақиқат, А. Набиев сиймосини талқин қилиш, тағин тилсиз, фақат ҳатти-ҳаракатлар билан ижро этиш Ҳ. Арслоновдан анча-мунча меҳнат, меҳр, муҳаббат талаб қилди. Ҳошимжон ҳаётида бу роль энг қийин эришган ва энг яхши чиққан ролларидан бири бўлиб қолди.

Суҳбат давомида мен актёрга: — «Нима учун сизга Ҳамза мукофотини беришмади, ахир бош роль ижрочиси эдингиз-ку?» — дея савол бердим. У камтарона, самимий кулди-да жавоб қайтарди:

— Дарвоқе, кўпчилик мендан шуни сўрайди. Бу масалани алоҳида таъкидлаб ўтишингизни истардим. Ахир 1988 йил А. Набиев роли учун мен Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдим-ку! Шунинг ўзи етади-да. Қолаверса, ҳали ёшман, вақт эрта. Бу унвонга ҳам муносиб ишлар қилиш ниятим бор.

Ўтган йилнинг баҳорида «Ёш гвардия» коллективи биринчи бўлиб ўзбек миллий театрини чет элларда намойиш қилишга муваффақ бўлди. Буюк Британия, ГДР, Ирландия, Шотландия каби йирик давлатларда томошалар кўрсатишди.

«Ёш гвардия» ижодкорлари ўзбек миллий театрининг нималарга қодирлигини намойиш қилиш мақсадида келгуси сафарга «Майсаранинг иши» спектаклини инглиз тилида тайёрламоқдалар. Ҳошимжон ака сафардан олам-олам таассуротлар билан қайтганидан кейин ҳар бир актёр биронта чет тилини билиши шарт экан, деган тўхтамга келди. Ҳозирда коллектив аъзолари ҳафтада тўрт марта машғулотларга қатнашиб, инглиз тили бўйича махсус мутахассисдан сабоқ ўрганяптилар.

Ҳаёт — илҳом булоғи. Ҳошимжон Арслонов ҳам ана шу мусаффо чашмадан баҳра олиб ўсиб, халқ меҳрини қозониб келмоқда.

Дилига яхши бир ниятни тугиб, элу-юрт хизмати учун белига ғайрат камарини маҳкам боғлаган бу дилкаш йигитнинг қанотлари кенгроқ ёйилишига тилакдошмиз. Зеро, ҳали у бу қайрилмас қанотлари билан томошабинларнинг дилини забт этиб, санъатда ҳали ҳеч ким юрмаган сўқмоқларни кашф этажак.

Д. ШУҲРАТОВ,
ТошДУ талабаси.



«ЎЙНАГАНЛАР БЎЛАДИ ХУШ,
ХОРАЗМНИНГ ЛАЗГИСИГА...»

Сураткаш Ж. ҚОЗОҚОВ.

ШОИР ХОТИРАСИ

«Ўзбектелефильм» студиясининг суратга олиш группаси Сибирда, кўҳна Мариинск шаҳарчасида иш бошлади. Бу ижодий группани ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири — шоир Усмон Носирнинг машаққатли тақдири она юртдан неча минглаб километр узоқдаги бу шаҳарчага отлантирди.

Усмон Носир истеъдоди совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида намоён бўлган, у худди ўша даврларда «Лениннома» ва «Рим ва Нил» достонларини ёзган эди. Лекин шоир қатағон қурбони бўлди, ижодий куч-ғайратлари барқ урган бир даврда ҳаёт билан видолашди. Бироқ юртдошлар ҳамда Кузбасс адиблари Усмон Носирнинг номини унутганлари йўқ. Улар катта қидириш ишлари билан шуғулландилар. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларини ўргандилар, унинг Мариинск шаҳридаги қабрини излаб топдилар. Яқин кунларда қабрга ёдгорлик ўрнатилади.

Усмон Носир фожиаси Сибирь ва ўзбек шоирлари ҳамда носирларини мустаҳкам дўстлик риштлари билан боғлади.

«Боғим унутмас мени» — «Ўзбекфильм» студиясининг Усмон Носир ҳақидаги асари ана шундай номланади. Сценарийчи Р. Сафаров ва режиссёр Б. Аҳмедовнинг фикрича, бу авлодлар тақдири ҳақида ўйлар бўлади.

Г. ШАЛАКИН,
ТАСС мухбири.

Кемерово вилояти.

СПОРТ

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Тошкентдаги С. М. Митрофанов номли сув спорти саройида жумҳурият қишки чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўн бир команда иштирок этди. Мусобақалар қизғин ўтди. Чунки голиблар 27 февралда Москвада бўладиган мамлакат чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига сазовор бўларди.

СССР спорт мастерлари Жанна Волотова, Евгения Бендер, Елена Агеева, Марина Заря, Ирина Виднекина, Лада Закирова, хизмат кўрсатган спорт мастерлар Дмитрий Паньков, Сергей Заболотнов, Константин Лягин, Ринат Шагиев, Александр Толпеткин, Вячеслав Кабанов жумҳуриятимиз чемпионлари бўлишди. Энди улар Москвада мамлакатнинг энг кучли сузувчилари билан баҳслашишади.

О. СОБИРОВА.

ОРОЛГА БАҒИШЛАНАДИ

«Орол яшайди» — қорақалпоқ композитори Ғойиб Демисинов ва шоир Тўлибой Қобулов ўз вокал квартетларига шундай ном бердилар. Ушбу мусиқа асари Қорақалпоғистон АССРнинг Хоразм вилоятида ўтган маданият кунларида биринчи марта ижро этилди. Уни Станиславский номли Нукус мусиқали театри ва Бердақ номли қорақалпоқ Давлат филармонияси симфоник оркестрининг яккахон хонандалари ижро этдилар. Амударё қуйи оқимининг аҳолиси ўз зангори экранларидан ана шу мусиқани тингладилар.

Асар биринчи марта ижро этилганидан кейин унинг муаллифларига жуда кўплаб хатлар кела бошлади. Бу эса асарнинг мавзуи ниҳоятда долзарблигидан далолат беради. Ижодий ҳамкорликни 25 йилдан сўнг қайта бошлаган квартет яратувчиларининг ўзлари ҳам, уларнинг сўзларига қараганда, бундай муваффақиятни кутишмаган эди.

(ЎзТАГ).

ТВ

16 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Ўзбек совет адабиёти. Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.00 «Шаҳар портрети». Ҳужжатли телефильм. 12.30 Жамиятшунослик. Ижтимоий сиёсат соҳасидаги партиянинг асосий вазифалари. 13.00 «Шум бола». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Табобат ва биз». Кинопрограмма. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сайловлар олдидан». 18.30 «Ижара — кони фойда». Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз иш тажрибасидан. 19.00 «Касаба союзлари ҳаёти». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тил — маданият кўзгуси». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ёзувчи ва замон». Кўрсатувни Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Реклама. 22.05 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматов. 22.45 «Романтика» телетеатри. Ўткир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-қисм. 00.05 Янгиликлар. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Туркистон ҳарбий округининг оддий кунлари...» (рус тилида). 19.30 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм («Мосфильм»). 20.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳокимият — Советларга!»

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Керектоочунун — талабин эске алин». Қирғизистон матлубот уюшмасининг раиси К. Сағиналиев билан суҳбат. 22.00 «Похол қўнғироқлар». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 10.10 Мультфильмлар. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали (Швейцария). 12.00 «Инсон институти». 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 16.00 «Агар сиз...» 16.45 «Прокурор учун биография» ҳужжатли фильм. 17.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 18.10 Илмий ахборот. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Ленинни ўқиймиз». 20.00 «Биз ажабтовурларданмасмиз». 20.10 Сизни Вячеслав Малежик таклиф этади. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.30 «Никоҳ».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Мулоҳазалар». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Дастлабки беш йилликлар қурилишлари. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. 11.55 «Эртаклар орқали оламга». Инглиз тилида кўрсатув. 12.55 Такрорий телефильмлар сеанси «Сарсонлик-саргардонликда». 10-серия.

* * *

17.30 «Зиддият». Телефильм премьераси («ЦСДФ»). 18.30 Мультфильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Советининг сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.45 Спорт ҳамма учун. 22.00 «Киноабонемент». «Чапаҳай». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Ахлоқ мавзуида

ИШОНГАН ТОҒНИНГ «КИЙИГИ»

Қанчалик оғир ва аччиқ бўлмасин, эр-хотиннинг кўнгил ойнаси чил-чил синди. Опа-сингиллар жабрдийдага айланди. Ёши бир жойга бориб қолган онахон — туҳматчи. Боз устига, ўзи чироқ ёқадиган уйга ўзи эгалик қила олмай қолди. Куёв «ўйнаш», деган тавқи-лаънатни бўйнидан соқит қилиш билан овора.

Ушбу сарлавҳани ёзишдан аввал жуда кўп ўйландим. Кўз олдимга бир оғиз ширин сўзга зор етимлар келаверди. Не кўргиликки, икки оиладан ўн нафар гўдак азобда!

Саломатхон аянинг хонадони — ҳайҳотдек ҳовли, эгаси кўчиб кетган уйни эслатади. Онахон яшайдиган хона даҳлизининг бир бурчидан катта тешик очилган.

— Ҳадиксиз яшай олмаймиз, ўғлим, — Саломатхон ая кўзларига ёш олади. — Келиннинг ака-укалари бостириб келгудек бўлишса, тешик орқали қўшниникига қочамиз.

Бу гапларни сочи қордек оқарган, юзларини ёши ювайётган қўллари қалтироқ, қадди ёйдай эгилган онахондан эшитиш аламли.

Балким, ўшанда Рустам оғзига талқон солиб, қулоқни кар қилиб юргани маъқулмиди? Лекин ҳар қандай эркакда ҳам орият бор. Ўз шаънининг, ғурурининг оёқости бўлишига йўл қўймайди.

— Ўғлим, келиннинг оёқ олиши чакки, — ёрилди бир куни Саломатхон ая. — Сендан кўра бошқани афзал кўради, шекилли...

Йигит тошдай қотиб қолди. Оқ ювиб, оқ тараган, дард чекса шамолни раво кўрмайдиган онанинг гапларига ишонмай бўладими? Нахотки, у ҳам туҳмат тошини отаётган бўлса? У бу гапни шунчаки айтмас? Бир йўла икки оиланинг дарз кетаётганини, зил-замбилдай оғир юк елкасидан босаётганини бир зум бўлса-да, кўз олдидан ўтказгандир.

Рустамнинг кўнгли вайрон. Ишонган тоғда кийик ётмас эканда, деган хаёлга борди. Шу кундан бошлаб унинг қалбида ўз хотинига нисбатан нафрат илдиз отди. Ўтган йилнинг 4 январида Олтиариқ ноҳияси ички ишлар бўлимига. **«...Шу менинг хотиним керак бўладиган бўлса [Р. Дадажоновга демоқчи — Ф. Ш.] озгина сабр қилиб турсин, ажрашаман. Кейин қандай қилиб яшаса яшайвермайдими! Сизлардан илтимос, бу номаъқулчиликларни обдон ўрганиб, тегишли чора кўришларингизни сўрайман»**, деган мазмунда ариза берди.

Худди ана шу шикоят Рустамнинг ўзига сиртмоқ бўлди. Охир-оқибат унинг ўз хотинига нисбатан туҳматчи сифатида суднинг қора курсисига ўтқазишди.

Калаванинг учи чигал бўлишидан аввал Олтиариқ ноҳияси ички ишлар бўлимидаги масъуллар обдон ўйлаб иш тутишлари лозим эди. Балки икки оилани муросага келтириш зарурмиди?! Никоҳни бекор қилгунга қадар ҳар ҳолда ярани газак олдирмаслик тақозо этиларди. Афсуски, бундай бўлмади. Рустам устидан жиноий иш қўзғатилди. Албатта, бундай йўл тутиш икки оила ўртасидаги низони кучайтириб юборди. Томонлардан тергов ишига норозилик билдирилди. Натижада жиноий ишни ниҳоясига етказиш Фарғона ноҳияси ички ишлар бўлими терговчиси Расул Абдуллаевга топширилди.

Инсон тақдири ўйинчоқ эмас. Унга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Қолаверса, инсонни қамоқ жазоси билан тарбиялаш фойдали натижа бермаган. Аксинча, киши озодликдан маҳрум этилганидан сўнг ўзгача фикрлайдиган бўлиб қолади. Терговчи Расул Абдуллаев аввалига Р. Воҳидовни ЎзССР ЖПКнинг 112 «б» моддаси билан айбдор қилди. Шу орада жиноий ишга Рустамнинг қўшнисига ва хотинига тан жароҳати етказганлик ҳолати қўшилди. Етказилган жароҳат учун алоҳида модда қўллаш билан биргаликда терговчи Рустамга нисбатан 112-модданинг «2» пунктини «ёпиштирди». Бундай жазо аввалгига нисбатан оғир эди. 112-модданинг «б» пунктида айбдор «2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан ёки шу муддатга аҳлоқ тузатиш иши билан жазоланиши» ҳақида гап кетса, «г» пунктида жавобгарни «1 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш» кутарди.

Терговчи нега бундай йўл тутди? Нега у Рустамни қаттиқ жазолаш пайида бўлиб қолди? Биз учун қоронғу. Аммо у **«Ўзбекистон процессуал жиноят тузугининг 14-моддасини қўпол равишда бузиб, бир томонлама тергов олиб борди»**. Бу фикрни биз айнан Фарғона ноҳияси халқ судининг ажримидан келтиряпмиз. Қолаверса, биз Фарғона йўл қурилиши ва таъмирлаш бошқармаси Олтиариқ ноҳияси бўлими йўл мастери Расул Дадажоновни бузуқликда айбламоқчи эмасмиз. Ахир кўз билан кўриб, далил-исбот қилинмагандан кейин бундай гап ортиқча.

Рустам Воҳидовни ўзининг умр йўлдошига нисбатан шубҳа туғдирган воқеалар қандай эди? Нега, у жуфти-ҳалолидан ор қила бошлади. Йигит ўтган йилнинг март, апрель, май ойларида ўзи ишлаётган Риштон ноҳияси 40-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларини Тольятти шаҳрига ишлаб чиқариш практикасига олиб борди. Турмуш ўртоғининг сафарга кетаридан аввал — икки ой муқаддам Мамлакат ноҳия шифохонасида ётиб даволанганди. Рустам олис юртга кетгач, Мамлакат яна «касал» бўлиб қолди. Бу гал уни Фарғона руҳий касалликлар шифохонасига Рустамнинг синглисининг эри жойлаштирди. Аёл касалхонада 45 кун даволанди. Расул эса шу вақт мобайнида шифохонага бўзчининг мокисидек қатнайверди. Ўз-ўзидан савол туғилади: Мамлакатни шифохонага ётқизишда ёрдам қўли чўзадиган яқинлари йўқмиди? Бор эди. Бир эмас, уч нафар акалари бор. Боз устига, енгил машинага ҳам эга. Аммо негадир, унинг учун энг яқин ҳамдард Расул бўлди.

Шифохонадан чиққан аёлнинг табиати инжиқ бўлиб қолади. Мамлакатда ҳам шундай аҳвол юз берди. У тез-тез сиқиладиган бўлиб қолди. Шунда яна унинг жонига Расул аро кирди. Уни Наманган шаҳрига олиб бориб, кўнглини ёзиб келди. Тўғри, машинада болалар ҳам бор эди. Аммо Мамлакатнинг кўнглини Расул кўтарди. Бундай «завқли» саёҳат кейин ҳам икки марта бўлди.

«Ҳеч биримиз билан маслаҳатлашмай келинимиз Рапқондаги «Искра» санаторийсига дам олишга борди. Тўрт бола қўлимда қолди. Кичкинасининг ичи кетар, қорни оғрир, иситмаси бор эди. Қанча йўлдан қайтармайлик барибир бўлмади». Саломат Воҳидованинг тушунтириш хатидан.

«Искра» санаторийсига Мамлакатни олиб бориш яна Расулнинг зиммасига «тушди». Унинг иссиқ-совуғидан ҳам шубҳасиз Расул хабар олиб турди.

Юқоридаги каби воқеалар Рустамнинг ўз турмуш ўртоғига нисбатан шубҳа ва гумон туғдирди. Рашк ва нафрат унинг қалбини ўртай бошлади. Ўтган йилнинг октябрь ойида барча қариндош-уруғлар жамул-жам бўлганда Рустам кўнглини ёрди:

— Расул ака, тўғрисини айтинг, шу гаплар ростми?

Аввалига куёвдан садо бўлмади. Кейин масалани ҳал этиш учун Рустам ва Мамлакатнинг оналари йиғилдилар. Рустамнинг яқинларидан ёхуд унинг ўзи мунозарага яқинлаштирилмади. Нега? Таажжубланарли-да! Ахир Мамлакат билан бир ёстиққа бош қўйган, 11 йил рўзғор қилган Рустам бўлса-ю, оила тақдири ҳал этилаётганда у бегонага айланиб қолса.

Расул: **«Мен онам, Мамлакат ва унинг онаси тўртталамиз ҳали гаплашамиз. Бўлган иш бўлди. Мен шундай қиламанки, Мамлакат ими-жимида онасиникига кетади»**, деди. Бу Рустамнинг шубҳа-гумонларини мантиқан тасдиқлади ва шундан бошқа йўл йўқлигига ишонди.

Оила маслаҳати тугади. Мамлакат ва Расул қайтиб Рустамникига келишди. Мамлакатнинг онаси ўз уйига бориб воқеани айтиб бергач, тўполон бошланди. Кампирнинг катта ўғли Ўктам (олдин судланган) ва кичик ўғли, қизи дод солиб келишди. Ўктам ҳаммага дағдаға қилиб: «эртага Содиқ укам келади, исбот қилиб бермасанг, ҳаммангни сўяди. Уруғ-аймоғинггача ўлдиради» деди. Оғизга олинмаган беъмани гап қолмади. Ҳаммаси айтилди.

Эртаси куни оғир жанжал бўлишини билган Рустам ва унинг қариндошларидан бири ноҳия милициясига бориб, уларни огоҳлантиришди. Кун бўйи аёлларнинг катта-кичик жанжали бўлиб турди:

— Кечқурун соат 19 ларда, — дейди Саломат ая, уйимга 20 чоғли эркагу-аёл бостириб келди. Даҳанаки жанг Содиқ келгач, муштлашувга айланди (у ҳам илгари судланган). Орада бир неча марта милицияга қўнғироқ қилинди. Бироқ улардан дарак бўлмади. Муштлашувда Рустамнинг опаси Раъно Воҳидова ва Саноат Дадахонова (Воҳидова)лар оғир жароҳатланишди. Жумладан, оёқ остида тепкиланган Р. Воҳидованинг кўйлаги йиртилди, сочи юлинди, бадани моматалоқ бўлди, мияси лат еди. С. Дадахонова эса ундан ҳам оғирроқ жароҳатланди, лаби, юзи ёрилди, жигари шикастланди. Муштлашув хавфли тус олгач, жанжалга иложи борича қатнашмаётган Рустам (чунки у қатнашса туҳмат кучайишини биларди) милиция идорасига бориб уларни етаклаб келди. Бундан хабар топган жанжалкашлар эса аллақачон ғойиб бўлишганди.

Соат 12лар чамаси милиция ходимлари тўс-тўполон чиққан уйни кўздан кечиришди, гувоҳлар чақирилди. Тушунтириш хатлари ёзиб олиниб, безорилик исботи сифатида иккита йиртилган кўйлак, соч ва рўмолни олиб кетишди.

Ўша куни милиция ходимлари рисоладагидай ишлашга ҳаракат қилишди. «Тез ёрдам» чақириб, Раъно ва Саноатни касалхонага ётқизишди. Бироқ 2-3 кундан сўнг сувга тушган тошдай тинчиб кетишди.

Ҳа, жабрланувчилар касалхонада ётибди-ю, милиция ходимлари ўзлари билан овора бўлишди. Экспертиза муддатлари атайлаб чўзиб юборилди. Қаттиқ туриб талаб қилишлардан сўнг бир амаллаб Р. Воҳидовага тузалганидан сўнг экспертизага йўлланма беришди. Мана, бир йилдирки ҳали ўзига келолмаган Раънога «енгил тан жароҳати» олганлигини белгилашди. Саноатни эса обдон даволаб... кейин олиб боришди.

Тергов муддатлари сунъий тарзда чўздирилди. Охири Рустам Воҳидов ишни бошқа терговчига ёки бошқа ноҳияга ўтказишларини сўраб ариза берди.

Иш Фарғона вилояти Фарғона ноҳияси ички ишлар бўлимига ўтказилди. У ерда ҳам «қарға қарғанинг кўзини чўқимайди» тарзида иш олиб борилди. Сўроқ пайтида Р. Воҳидова юз берган воқеани аниқ тасаввур қилиш учун уйга бориб у ердаги аҳволни кўришлари, милиция ва «тез ёрдам»нинг рўйҳат дафтарини, касалхона ҳужжатларини қайтадан кўриб чиқилишини илтимос қилиб сўради. Экспертиза якунлари амалдаги ҳолатга мувофиқ келмаслигини таъкидлади. Бироқ терговчи Абдуллаев эътиборсизлик қилди.

Ҳуқуқ органларининг хулосалари шу даражада чигаллашиб кетганки, улар бир-бирини инкор этади. Ишни текшириш, айбдорларни ўз вақтида жазолаш, шу билан жиноятчиликнинг олдини олишда уларга қатъийлик етишмаяпти.

Партиянинг жамиятни тубдан қайта қуриш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш сиёсати уларга ҳам тегишли эканини билишармикан? Жумладан, ўша куни даҳанаки жангдан сўнг Раъно Воҳидова айбдорга айланди. Боз устига иш қўрилаётганда бир ёқламаликка йўл қўйилди. Муштлашувда уни Мамлакатнинг яқинларидан бирига тан жароҳати етказганликда айблаб, ишни ўртоқлик судига ўтказилди. Ваҳоланки, унинг ўзига ҳам Ўктам Қундузов тан жароҳати етказган. Яна ҳам қаттиқроқ тан жароҳати олган Саноат эса ишни Қундузовлар фойдасига ҳал қилиш учун атайин тушириб қолдирилган. У шундан сўнг Олтиариқ ноҳия касалхонасида 56 кун ётиб даволанди.

Масалани ўз вақтида объектив ҳал қилмаслик шунга олиб келдики, ёқа йиртиш авж олаверди. Кунора жанжал, тўполон. Оилани қувонч тарк этди. Ҳозир Саломатхон ая бир тутам бўлиб қолган.

— Ўзини бадном қилиб, оилани шарманда қилган, ўғлимнинг юзини ерга қаратган келин менга керак эмас, — арз қилади Саломатхон ая. — Бу уйларни тиклашда улуш қўшган эмас. Унинг бу уйда туришга ҳаққи йўқ. Қолаверса, менинг бошимга тушган қора кунларга ҳам шу айбдор. Чиқиб кетсин. Иккови ҳам чиқиб кетсин.

Онанинг юрагидан отилиб чиқаётган бу фарёдни тинглаш нақадар оғир. У келинига ўз ўғлини, жонидан яхши кўрган набираларини ҳам қўшилиб чиқиб кетишларини исташининг боиси нимада? Минг қилганда ҳам Расул Дадажонов билан Мамлакат ўртасида қандай муносабат бўлганлиги уларнинг ўз виждонига ҳавола. Аммо воқеа тафсилотларини батафсил ўрганган бир холис ниятли киши сифатида шуни таъкидлашни истардимки, Расул ўзининг қуюшқонга сиғмайдиган «ҳожатбарор» хизмати билан икки оиланинг бузилишига олиб келди. Сувнинг лойқаланишига сабабчи бўлди.

Туҳматчи! Фарғонадан қайтгунимга қадар Рустам Воҳидов ҳақида ана шундай сўзларни эшитдим. Лекин барибир ишонмасдим. Эркак киши тўрт фарзандининг онаси — ўзининг жуфти-ҳалоли юзига ҳеч қачон қора чапламайди. Қолаверса, жабрдийда бўлмиш синглиси Саноатнинг (олти боланинг онаси) ҳам оиласини бузишдан, норасида гўдакларини отасиз қолдиришдан Рустамга нима фойда?

Сафарим қариганда хабар келди: Фарғона ноҳия халқ суди Рустам Воҳидов зиммасидан туҳматчи деган тамғани олиб ташлабди — оқлабди! Лекин минг афсуски, бу суднинг сўнгги қарори эмас. Ишга қачон якун ясалиши ҳам қоронғу. Улар бир оила можаросини кўриш муддати шунча чўзилганлигида ўзларини айбдор ҳисоблашмаяпти. Эрта бир кун икки ўртадаги жанжаллар кескинлашуви натижасида бирон фожиа юзага келса ҳам сувдан қуруқ чиқишлари турган гап. Биз содир бўлиши мумкин бўлган ана шундай бахтсиз ҳодисалар олдини олиш учун ҳам Фарғона вилояти фирқа қўмитаси, Олтиариқ ноҳияси фирқа қўмитаси ҳамда Фарғона вилояти прокуратура вакилларидан расман ёрдам берилишини сўраймиз.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Д. — 23132
Р. — 01101.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.